Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 11 февраль • Пайшанба • № 18 (14046) ترکستان ✽ TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Умид «Хатлон ўғлонлари»дан

«ПРАВДА» МАХСУС МУХБИРИ ТОЖИКИСТОНДАН ХАБАР ҚИЛАДИ

«Халқлар дўстлиги — бебаҳо бойлигимиз», — Душанбе аэропорти биносининг пештоқига шу сўзлар катта ҳарфлар билан ёзилган. Кофарниҳонга кираверишда Тожикистон миллий байроғи ёнида совет қизил байроғи ҳилпираб турибди. Бунинг сабаби нима? Келажакка назар ташлашга тўғри келади.

Хатлон вилоятининг маркази. Вахш райони. «Туркманистон» давлат хўжалиги. Бу жойда ер ва иқлим шундайки, бир йилда уч марта ҳосил олиш мумкин. Ҳозир эса олисда ҳосили йиғиштириб олинмаган пахта далалари оқариб кўриняпти. Ҳувиллаб қолган шаҳарчанинг қорайиб кетган деворлари орасида подполковник Гулоб Бобоев декабрь ойида ўз йигитлари билан бу ердан Ислом ақидапарастларини қандай қилиб қувлаб чиқарганини эслаб кўз ёши қилади.

— Анави сув тозалаш иншооти, — дейди қўли билан кўрсатиб Бобоев (ҳозир у Қўрғонтепанинг ҳарбий коменданти). — Уларнинг «қушхонаси» эди. Учта «Камаз» бир қатнашда 160 кишини олиб келди, мутлақо бегуноҳ кишиларни отиб ташлашди. Бу мурдаларни итлар ҳанузгача тортқилаб юрибди. Бечораларнинг ҳаммасини дафн этиш учун техника етишмайди.

Давлат хўжалиги ҳаммомида ва маданият уйида иккита қамоқ лагери ташкил этилган эди. Вайроналар орасида нобуд бўлган кишиларнинг шарпаси юргандек бўлади. Бу ерда одамлар бошига не азоблар солинганини тасвирлашни худо насиб этмасин. Хитойлик журналист Бобоевдан суриштиради:

— Бу ерда кимларни ўлдиришган?

— Тожикларни.

— Кимлар ўлдирган?

— Тожиклар.

— Сиз ўзингиз кимсиз? — деб ҳайрон бўлади хитойлик журналист.

— Мен ҳам тожикман! — Бобоев бақириб юборади. — Билсангиз, менинг тожиклигим ёзиб қўйилган паспортни улоқтириб юборгим келади!

Бу ердан бир неча километр масофада, ҳамма нарса ёки деярли ҳамма нарса вайрон қилинган Қўрғонтепа теварагида урушнинг оловли нафаси тегмаган воҳа сақланиб қолгани ажабланарлидир. Биз Бохтар районидаги «Навбаҳор» давлат хўжалигининг Гулисур участкасидамиз. Бу ерда ўта диндорлиги билан ажралиб турадиган 3500 нафар ғармлик тожик яшайди. Тасаввурларга кўра улар яқин атрофда бедодлик қилган Ислом ақидапарастларини қўллаб-қувватлашлари лозим эди. Лекин... бундай бўлмади.

— Шаҳидон майдонида ғалаёнлар бошланиши биланоқ биз йиғилиш ўтказдик, — деб ҳикоя қилади Ғарм жамоасининг раиси Саидвали. — Баъзи бировлар пойтахтда митинг қилаётган юртдошларни қўллаб-қувватлашни талаб қилишса ҳам, биз сиёсий воқеаларда қатнашмасликка аҳд қилдик. Уруш ҳаракатлари бошланиши биланоқ қариялар билан биргаликда ижроқўмга келиб, яккаю-ягона «ТОЗ-8» милтиғини топширдик. Жанг майдони яқин жойда бўлишига қарамай, ички ишлар идоралари бизни ана шу жанг бўлаётган жойлардан ажратиб туришди. Аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги эсон-омон сақлаб қолинди.

Бу мисол даҳшатли уруш гирдобида одамларнинг тақдирини уруғ-аймоқ алоқалари эмас, Исломга эътиқодининг даражаси эмас, балки, аввало одамларнинг ақл-идрок билан иш тутиши ёки, аксинча, залолат ва густоҳлик белгилаганини кўрсатиб турибди.

Тожикистонда Исломнинг фаол сиёсий тус олиши бундан деярли икки йил муқаддам, Ислом тикланиш партияси рўйхатга олингандан кейиноқ бошланган эди. Ўша вақтдаёқ ҳушёр бўлишга даъват қилувчи нишоналар бор эди. Мен бориб кўрган Куйбишев шаҳарчасида Ислом партиясининг ячейкаси мактабларда ва касалхоналарда диний меъёрлар ва қоидаларни мажбуран жорий этиш билан иш бошлади, номусулмон муаллимлар ва шифокорларни алмаштиришни талаб қилди. Давлат муассасаларидан, жамоа ва давлат хўжаликларидан таъмагирлик қилинди. Хўжалик раҳбарларига юборилган бир хил мазмундаги мактубларнинг нусхалари топилган. Бу мактублар шундай сўзлар билан бошланади: «Сиз мусулмон сифатида Ислом тикланиш партиясига ёрдам беришингиз керак. Икки кун ичида 55 минг сўм пул ўтказишингизни сўраймиз...». Бу талабларга рози бўлмаган ўжарларга қаттиқ чора кўрилди. Ислом тикланиш партияси шу тариқа тўпланган маблағга 1992 йил июнигача минглаб автоматлар,

(Давоми 2-бетда).

Тожикистонда фуқаролар уруши якун топмоқда. Қочоқлар ўз қадрдон тўшаларига қайтиб келаётирлар. ИТАР — ТАСС суратн.

МУКОФОТЛАР АНЪАНАВИЙ БЎЛАДИ

Андижон вилоятида республикамизда донг таратган устозлар — Шаҳрихон туманидаги 41-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Мамажон Абдурасулов ҳамда Андижон шаҳар 1-ўрта ҳунар-техника билим юртининг чизмачилик фани муаллими Одилжон Акбаров номидаги мукофот таъсис этилди.

Бу мукофотлар халқ таълими соҳасида юқори натижага эришган мактаб, боғча, лицей, гимназияларнинг ўқитувчи ва тарбиячиларига, ҳунар-техника билим юртларида юксак кўрсаткичларга эришган муҳандис-муаллимларга, ишлаб чиқариш таълими усталарига берилади.

КИРИШ ҲАҚИ 10 СЎМ

Шаҳар ҳокимининг фармойишига кўра Фарғонанинг Тожихон Шодиева номидаги кўчасида пуллик бозор ташкил қилинди. Бозорга кирувчи ҳар бир киши хоҳ сотувчи, хоҳ олувчи бўлсин, 10 сўмга чипта олади. Шунингдек, бирон нарса сотадиган одам ҳар бир метр жой учун 30 сўм ижара ҳақи тўлайди. Йиғилган маблағнинг ярми бозорни ривожлантириш, сотувчи ва харидорларга шарт-шароитлар яратишга, қолгани эса шаҳар бюджети ҳисобига ўтказилиб, турли ободончилик ишларига сарфланади.

Бозорга келган ногиронлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳамда ёш болалардан пул олинмайди.

МИЛЛИОНЕР МАКТАБ

Пастдарғом туманидаги 8-ўрта мактаб жамоаси Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва бошқаришга ўтди.

Бултур мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари пилла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил олган эди. Натижада қарийб 1 миллион сўм фойда кўрилди. Ишлаб топилган маблағ синф хоналарини таъмирлаш, ўқув қуроллари сотиб олишга сарфланмоқда. Шуниси эътиборлики, камҳарж оилаларнинг фарзандларига ҳам ана шу маблағдан моддий ёрдам кўрсатиляпти.

САХИЙЛИК БОИСИ — ТАНГА ЙЎҚЛИГИ

Бухородаги уч юздан зиёд таксофон аҳолига текин хизмат кўрсата бошлади. Шаҳар автомат телефон тармоғининг муҳандиси М. Ҳайитовнинг маълум қилишича, чақа тангаларнинг муомаладан чиқиб кетгани уларни ана шундай йўл тутишга мажбур қилган. Тўғри, таксофонларга жетон жорий этиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўрилган эди. Лекин дастлабки ҳисоб-китобларданоқ харажатлар қопланмаслиги маълум бўлди.

Ҳозирча ойига 100 минг сўмча зарар келтираётган таксофонлар харажати вилоят алоқа бошқармаси даромадлари ҳисобидан қопланмоқда.

РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИ

Кеча Ўзбекистон савдо бирлашмасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг республикаларо кўргазмаси очилди. Унда жамоа ва давлат хўжаликлари вакиллари, туман ва вилоят тайёрлов идоралари мутахассислари, ишбилармонлар ҳамда савдо ходимлари қатнашмоқда.

— Мен Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Кўкёр давлат хўжалигида ишлайман, — дейди кўргазма иштирокчиларидан бири Аъзам Аббосов. — Мақсадимиз ўзимизда етиштириладиган меваларга хўжалик учун қурилиш материалларини бартер асосида олиш.

Кўргазмада Россия шаҳар ва вилоятларидан келган корхона ва ташкилот вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Кўргазма шу ҳафта давомида ишлайди.

СУРАТДА: «Хорезмплодоовошвинпром»га қарашли туман тайёрлов идораси директори Мадирим Собиров (ўнгда) маҳсулотини кўз-кўз қилмоқда.

ГУВОҲЛАРНИНГ ЁРДАМИ КЕРАК

Тошкент шаҳрида 1992 йил 8 декабрь куни соат 15 дан 15 минут ўтганда «ВАЗ 2106» давлат рақами Н 48—91 ТН автомашинасини бошқариб бораётган Искандар Шукуров Фарҳод кўчаси билан С. Юсупов кўчалари туташган чорраҳасида Мажид Холтоевни (1972 йилда туғилган) уриб юборади. Тан жароҳати олган М. Холтоев Тошкентдаги тез тиббий ёрдам кўрсатиш касалхонасида вафот этган. Ушбу ҳодисанинг гувоҳи бўлган фуқароларни Тошкент шаҳар ИИБ Давлат Автомобиль назорати бошқармасига мурожаат этишини сўраймиз.

Бизнинг телефонларимиз: 54-62-58, 56-66-07.

ИБРОҲИМ ҲОЖИ КЎЧАСИ

Бундан беш йил аввал шундай деб кўринг эди... Мана ниҳоят, Шайхонтоҳур туманидаги «Жемчужная» кўчаси аҳлининг таклиф-истаклари инобатга олиниб, бу кўчага ҳам янги ном берилди. Унга шу ҳудудда туғилиб ўсган, катта маърифатпарвар ҳожи Иброҳим ота номи берилди.

Д. САИДОВ.

ГЕНЕРАЛ «ЁН» БЕРДИ

Пойтахтимиздаги 148-мактаб аввал генерал Петров номида эди. Яқинда жаноби генералнинг машҳур ўзбек олимасига «ён» беришига тўғри келди. Эндиликда бу илм маскани таниқли адабиётшунос Музайяна Алавия номи билан юритиладиган бўлди.

КОРЕЯДАН ДОРИ КЕЛДИ

Куни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлигида Жанубий Кореядан келтирилган 100765 АҚШ доллари қийматига эга бўлган дори-дармонлар ўзбек шифокорларига топширилди. Кардиология, неврология, гепотология, гемотология ва жарроҳлик усулида даволанувчи касалликларга қўлланиладиган мазкур дори-дармонлар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Жанубий Кореяга ташрифи пайтида тузилган битимга асосан олиб келинди.

Инсонийлик ёрдами 1-Тошкент тиббиёт институти, гемотология, педиатрия, фтизиатрия ва пульмонология, травмотология ва ортопедия, эндокринология илмий тадқиқот институтларига, пойтахт ва Тошкент вилоятидаги бошқа даволаш-профилактика муассасаларига топширилди.

СУРАТДА: Жанубий Кореядан келтирилган дори-дармонларни топшириш пайти.

КОЛХОЗЧИ 20 МИНГ МАОШ ОЛАЯПТИ

Ажабланманг. Бу рост гап. Ургут туманидаги Навойи номли жамоа хўжалиги колхозчиларининг ўртача ойлик маоши 20 мингга тўғри келади.

Чунки бир гектар ердан ўтган йили олинган ҳосилдорлик 534 минг сўмга тўғри келган. Фақат тамаки етиштиришнинг ўзидан жамоа хўжалиги бўйича 450 миллион сўм даромад қилинди. Бу ҳаммаси эмас. Хўжалик бошқаруви томонидан аълочи ўқувчилар учун 200 сўмлик стипендия, энг яхши ўқитувчилар учун 1000 сўмлик мукофот пули, энг асосийси фарзанд тарбиялашда ҳаммага ибрат бўлган намунали, файзли оила учун 1000 сўмлик мукофот таъсис этилган.

ҲАЗРАТ НАВОЙИГА ЭҲТИРОМ

Мир Алишер Навойига бўлган ҳурмат кўнгиллардан ҳеч қачон аримас. Бобомиз таваллуд топган кунини хотирлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Самарқанд Дорилфунуни хиёбонидаги Мир Алишер Навойи ҳайкали пойи у зот таваллуд топган куни гулчамбарлар билан бурканди. Хотирлаш маросимида филология фанлари доктори, профессор Ботирхўжа Валихўжаев ҳазратнинг ўлмас асарларига тўхталиб, келажак учун катта емирилмас хазина қолдирганликлари ҳақида илиқ сўзладилар.

Беруний номидаги мактабгача тарбия билим юрти ва дорилфунун қизлари ўша ернинг ўзида навойихонлик ташкил қилишди. Дорилфунун талабалари Гавҳар Бобоёрова ва Ўктам Ёдгоровлар «Фарҳод ва Ширин» достонидан кичик саҳна кўриниш намойиш этдилар.

(Ўз мухбиримиз).

«ОИЛАДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ»

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида «Оилада ёшлар тарбияси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари Маданият ишлари вазирлиги халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар Жумҳурият маркази, Ўзбекистон ЁИ МҚ ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармасидир.

Давра суҳбатида Ёшлар нашрлари муҳаррирлари, диний ишлар қўмитаси вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, мураббийлар, ёзувчилар, маданият ходимлари ва мактаб ўқувчилари иштирок этдилар.

Йиғилганлар ўзларини қийнаётган муаммолар хусусида сўз олдилар. Тарбиянинг бугуни ва эртаси ҳақида мунозарали фикрлар билдирилди.

Мазкур давра суҳбати туркум тадбирларининг биринчисидир. У келгусида яна давом этади.

СУРАТДА: давра суҳбати.

Суратчи: Муҳаммад АМИН.

Бор бўлсин, саҳоват!



Инсон доимо саҳоватга, мурувватга муҳтож бўлиб яшайди. Бир оғиз ширин сўз унга куч-қудрат бағишлайди, ҳаётга бўлган меҳрини оширади.

Тошкент тумани ҳокимлиги ўтказган саҳоват куни тантанага айланиб кетди. Яқингинада бу ерда бўлиб ўтган 20 келин-куёвнинг висол оқшоми, 150 нафар кичкинтойнинг суннат тўйлари довруғи элга таралган эди. Бугун ҳам қувончли лаҳзалардан дарак берувчи карнай-сурнай садолари одамларни дастурхонга чорламоқда. Отахон ва онахонлар иззатда. Улар суҳбатига бир сония қулоқ тутамиз.

— Айланай, Дилбархон, шундай кунларга ёлғизгина ўғлим Иҳлолжон етиб келмади. Афғонда қолди болагинам.

— Йиғламанг опажон, кўпнинг бошига келган фалокат бўлди бу уруш. Қолган фарзандларингизнинг бахтини берсин.

— Илоё, айтганингиз келсин. Бундан кейин мусибатли кунларни кўрмайлик.

Мунаввар опа Юсупова Чоштепа қишлоғида яшайди. Ёлғиз ўзи уч фарзандни тарбияламоқда. Туман ҳокимлиги унга бир неча бор моддий ёрдам кўрсатди. Ҳозиргина инъом этилган омонат дафтарчасидаги 5 минг сўм пул ва кийим-кечаклар ҳам онанинг кўнглини кўтарди.

Келес шаҳрида яшовчи Насриниса аянинг бошига фалокат тушди. Бир йўла ҳам қизи, ҳам куёвидан айрилди. Қариган чоғида 9 фарзанд билан қолди. Лекин одамлар уни ёлғизлатиб қўйишмади.

— Айланай сиздан, бир этак болани тарбия қиляпман. Биз каби бева-бечораларнинг бошини силаётган ҳукуматимизга раҳмат. Бугун ҳокимликдан 10 минг сўм пул ўтказилган омонат дафтарчаси ва совға саломлар олдим.

Бугунги саҳоват куни жамгармага ўзининг муносиб улушини қўшган халқаро меҳр-мурувват маданий марказининг президенти Лариса Матвеевна Ли билан суҳбатлашдик: — Тошкент тумани ҳокимлиги билан марказимиз ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган шартнома имзоланган, — дейди у. — Бугун биз кишиларга 1,5 миллион сўмлик совға келтирдик.

Одамларнинг шиқаста кўнглини кўтармоқ улуғ савобдир. Буни ҳаёт дейдилар. Орамизда ногиронлар, кексайган чоғида ёлғиз қолганлар бор. Бугунги саҳоват кунида 190 оилага 1 миллион 114 минг сўм пул ва болалар кийим-кечаклари, кўрпа-чойшаблар тарқатилди.

Шундан сўнг йиғилганларга ош тортилиб, хонандаю созандалар хизматда бўлди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

Тошкент вилояти.

СУРАТЛАРДА: Тошкент тумани ҳокими Рустам Аббаров ва тўкин дастурхон атрофидаги чойхўрликни кўриб турибсиз.

Суратчи Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА).

ЖАРИМА ҚЎП, БИРОҚ...

Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ходимлари текшириш чоғида сувни ишлаб чиқариш оқовалари билан булғатиш ҳоллари кўплигини аниқладилар. Задарё районидаги Навойи номли колхознинг ғишт заводида, Уйчидаги «Ғайрат» колхозида, «Ўзбекистон махсус сув хўжалиги ремонти» ташкилотининг биринчи сонли механизациялашган кўчма колоннасида, бошқа ташкилотларда ва корхоналарда ана шундай ҳоллар аниқланди.

Чортоқ кабель заводи, Қўғай пахта тозалаш заводи, Наманган «Автодормехбаза»си, Учқўрғондаги таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси ҳавони булғатаётгани маълум бўлди.

Ишлаб чиқариш ходимларининг, мансабдор шахсларнинг беparволиги, лоқайдлиги табиатга катта зарар етказмоқда.

Табиатга зарар етказаётганларга жарима солинмоқда.

Н. ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

«ОСОНДАН ҚОЧ»

Бу дунёда обрў-эътибор ҳам, бойлигу илм ҳам — барча-барчаси осонликча келмайди. Бундай муваффақиятларга ҳалоллик ва поклик йўлидан бориб эришганлар, ҳақиқий заҳматкаш инсонлардир.

Шўро замонида инсон меҳнати доим ҳам ўз қадрини топавермас, алал оқибатда кишиларда унга бўлган меҳр-муҳаббат ҳам сўна бошлар эди. Бугун ҳам айрим ёшларимиз (фақат ёшларимизми!) енгил-елпи кун кечириш, оғирнинг устидан, енгилнинг остида юриш кўйига тушганлари бор гап. Аммо меҳнаткаш халқимизнинг фаронолиги ошиб, Ватанимизнинг дунё афкор оммаси олдидаги обрў-эътибори, мавқеи тағин-да кўтарилишини истасак, фарзандларимизни, аввало, меҳнаткашликка ўргатмоғимиз, барча ютуқларнинг калиди меҳнатда деган оддий ҳақиқатни уларнинг онгига болаликдан сингдирмоғимиз лозим. Бу улуғ маъракада мактабларнинг тутажак ўрни беқиёсдир. Фақат гап бор имкониятдан рисоладагидек фойдалана билишда экан.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманига қарашли 34-мактабда бўлганимда бунга яна бир карра амин бўлдим. Қизиғи шундаки, бу илм масканида ҳар бир синф, ҳар бир ўқувчининг «ўз» тажриба майдончаси — ери бор. Меҳнат, биология, жўғрофия каби дарсларда, ўқишдан бўш пайтларда ўқувчилар ўз майдончаларида ишлашни, парвариш қилинаётган ўсимлигу дов-дарахтлар устида қизиқарли тажрибалар ўтказишни яхши кўрадилар.

Чиройли тортилган жўякларни, зеб бериб бўталган новдаларни қишу-ёз ям-яшил либосда турувчи арчаларни кўриб, булар оддий қишлоқ мактабига қарашли оддий ўқувчиларнинг иши эканлигига ишонгингиз келмайди. Бунинг устига, болаларнинг бу иш билан шуғулланишлари мажбурий эмас, бутқул ихтиёрий. Аммо деярли ҳеч ким ундан бўйин товламаслиги — умидли. Бильакс, болалар ўзаро мусобақалашгандек, бир-биридан илҳом олиб ишлайдилар.

Тажриба майдончалари ва парниклардан олинаётган ҳосил ҳам кам эмас. Мен бу ўринда қанча сабзавот, қанча тарвуз қовуну неча тонна мева-чева етиштирилгани ҳақида талай рақамларни келтиришим мумкин. Аммо, муҳими рақамларда эмас. Менимча болалар йиғажак энг муҳим ҳосил ҳали олдинда. Бугунги иштиёқ эса ёш дилларда меҳнатга, илмга ва ижодга нисбатан уйғонаётган муҳаббатда. Бу муҳаббат — нозик ниҳол шу талотум замондан эсон-омон ўтиб олса, келажакда бутун умрга татигулик мева бергуси!..

Қани энди барча ўзбек болалари халқимизнинг «Осондан қоч!» нақлини эртароқ англаб етсалар, ва унга бир умр амал қилиб яшасалар!..

Шойим ОТАЕВ,
Қарши Давлат дорилфунуни ўқитувчиси.

Ўтиш даври сабоқлари

МУАММОЛАР БАРИ БИЗНИКИ, ФАҚАТ...

БОЕВУТ РАЙОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ТАШКИЛОТИНИНГ XX КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

АҲМАДҚУЛОВ ЕЛКАСИДАГИ ЮК

Аҳмадқулов мажлис бошламасида бир тадбир ўйлаган.

...Залга киришингиз билан қулоғингизга шўх қўшиқ эшитилади, кўзингиз дилрабо рақсга тушади. Ҳа, яхши ўйланган тадбир. Конференция бошламасида сизни санъат гулдастаси билан қаршилашлари дилингизни хушнуд этади.

Боёвут район Ёшлар Иттифоқи қўмитаси биринчи котиби Одилжон Аҳмадқулов маърузаси бир неча кун олдин «Боёвут ҳақиқати» ҳафтаномасида чоп этилиб, делегатларга тарқатилганди. Маъруза ҳафтаноманинг икки саҳифасини бутунлай қоплаган эди. Уни ўқиб, ёшларга, Ёшлар Иттифоқига тааллуқли қайсики масала бор, барини топасиз.

Аҳмадқулов йиғилишда ҳали ҳам ҳаммасини эмас, қисқача ахборот берди. Котиб уч йиллик фаолиятини изоҳлади, яъни зиммасидаги юк-вазифаларининг ҳисобини берди. Хўш, ҳисоб беришни у қойиллатдими? Менимча...

Маъруза эски, зерикарли усулда ёзилган. Ҳаётга, шароитга ҳаққоний баҳо берилмаган. Ёшлар Иттифоқини бошида кўкларга кўтариб мақтайди. Унинг шакланиш даражасини беками-кўст қилиб кўрсатади. Ёшлар орасидаги эътиборини бўрттириб гапиради. Масалан, «Район иқтисодини юксалтириш, унинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашда ташкилотимиз ёшларининг ҳиссаси салмоқли. Айни кунда халқ хўжалигининг турли тармоқларида 6879 нафар Ёшлар Иттифоқи аъзолари меҳнат қилмоқдалар».

Юз йилдан бери таъкидлаймиз: ёшлар халқ хўжалигида ЕИ аъзоси бўлгани учунмас, ўзлари учун меҳнат қилишади. Нега энди буни бўлар бўлмасга ташкилот хизмати этиб кўрсатиш керак.

— Иттифоқнинг асосий мақсади ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилишдир —дейди ҳисоботчи ўз нутқида — Ёшлар аҳолининг энг кам таъминланган қисми. Нарх навонинг ошиши, пулнинг қадрсизланиши ёшларнинг турмушига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ишсизлик ўткир муаммо бўлиб турибди. Райондаги 1500 нафардан ортиқ ишсизнинг ярмидан кўпроғи кеча мактабни тугатган ва армия сафидан қайтган ёшлардир.

Юзага келган вазиятда район Ёшлар Иттифоқи ёшларни иш билан таъминлашда, йигит қизлар меҳнатини ташкил қилишнинг янги жамоатчилик ишларини қўллаб қувватлаши керак.

Котиб районда ҳалигача Ёшлар Жамғармаси тузилиши пайсалга солинаётганини куйиниб гапиради. Ҳамма муаммолар Ёшлар Иттифоқи гарданига, деб ҳисоблайди. Аммо ўша муаммоларни ҳал қилишга унинг қудрати етадими? Имконияти борми? Ўз аравасини жойидан зўрға силжитаётган бир пайтда аввало ўзи ҳақида қайгураяптими, молиявий мустаҳкамланаяптими? Шуларни гапирса. Чунки ҳозирги шароитда иқтисодий бой таъминланмаган ташкилот қандай қилиб, ўзгаларга таъсир кучини ўтказа олади? Унинг ҳақиқатан ҳам ёшлар орасида обрўси борми? Бор бўлса бунга қандай эришди? Ончалик бўлмаса, эришиш учун қандай чора тадбирлар кўрилаяпти? Унинг ички муаммолари рўйи рост айтилиб, қийин аҳволдан чиқиб кетиш йўллари, хато камчиликлар сабаблари, ва охир оқибат ЕИ нима учун курашаяпти, мақсад режаларига аниқ фикр билдирилса. Бу юзадан қилинган ва қилинмаган ишларга тўхталса.. Бизда эски ақидаларга кўра ҳисоботда ҳамма масалалар гапирилиши керак деган тушунчани йиғиштириб қўйиб, гапнинг бўларини айтилгандами, маърузани зерикмасдан, жон қулоқ билан эшитишардик.

Айтганча, мен маърузадан қониқмадим дейишга ҳаққим йўқ. Чунки, котибнинг ҳисоботини йиғилишда қатнашаётган делегатлар баҳолашлари керак эди. Ҳисобот бир овоздан «қонарли» топилди. Демак Аҳмадқуловнинг ишлари райондаги ЕИ аъзолари — конференция қатнашчиларига маъқул.

ТАН ОЛИНДИ

Конференцияда тафтиш комиссияси раиси ўзига ҳаққоний баҳо берди. Унинг нутқи фақат таниқиддан иборатлиги учун юқоридаги фикрни айтаётганим йўқ. Гап шундаки тафтиш комиссияси раиси ишда йўл қўйилган камчиликларни очиқ ойдин айтиши, тан олиши аввало ўз муваффақияти. Зеро, бугунги тавба тазарру, эртанги истиқбол гарови. Бугунги хатолардан тўғри хулоса чиқариш билан келажакда унинг олдини олган бўласиз. Бунга Т. Бобоевнинг нутқини мисол қилсак:

Комиссиянинг фаолияти фақат қоғозлардагина бўлиб қолмоқда. Аъзолар жуда суст ишладилар.

Текширувлар натижаси унчалик мақтовга лойиқмас. Ёшлардан аъзолик бадалларини зўрма зўраки йиғиларди, бадални тўлаганлик ҳақда билетларга белги қўйилмасди. Айрим ҳолларда ёшларнинг умуман аъзолик билетлари бўлмаган ҳоллари ҳам учраб туради. Ёшлар ташкилотлари котиблари аъзолик бадалларини вақтида тўлаб туришни назорат қилишмасди.

Хулоса қилиб айтишим керакки, бугунги конференциямиз кўп нарсаларни ҳал қилиши керак, шу жумладан тафтиш комиссиясининг иш фаолиятини ҳам.

ҚИЗҒИН МУЗОКАРА

Бўлмади. Рўйхат бўйича сўзга чиқилди. Пушкин номли жамоа хўжалиги директори муовини Рустам Баҳриддинов районда ёш кадрларга ҳокимиятнинг эътибори сust эканлигини афсусланиб гапирди. Унинг фикрича, ташкилот шу кунда ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишга отланар экан, бунинг учун аввало ҳокиматда мавқеини мустаҳкамлаши керак. Яъни ёшлар ишлари бўйича биринчи котиб жамоатчилик асосида ҳоким муовини вазифасига тайинланишини жорий қилиш зарур.

Ҳар ким ўз дардини айтиб йиғлайди, дейишганидек, У. Юсупов давлат хўжалиги маданий ишлари бўйича директор муовини Хўрозбой Абдурасулов, 18-мактаб кашшофлар етакчиси Кулпия Урунова район кашшофлар уйи директори К. Шокиров, район ички ишлар бўлими бошлиғи муовини Қ. Отақуловлар асосан ўз ишларидаги муаммолар билан ўртоқлашдилар.

Музокараларга рўйхатдагилардан ташқари талабгорлар топилмади. Ёши ЕИ аъзолигидан ўтган Ленин номли жамоа хўжалиги ХДП кенгаши котиби Комил ака Шарофбеков бу манзарани кўриб ёниб кетди. «Уларда жўшқинлик етишмайди. Бунга ҳаёт айбдорми? Йўқ! Ёшларнинг ўзлари айбдор» — деди сўзга чиқиб.

МАРКАЗҚУМ САРКОТИБИ НАЗАРИ

Туркия сафари арафасида Боёвут район конференциясида Адҳамжон Орзиматовнинг қатнашишига нима сабаб эди? Унинг ўзи бу саволга шундай жавоб беради:

— Олдинлари аппаратда 150 дан ортиқ ходимлар ишлаган пайтлари вилоятларга бир ҳафта олдин бир гуруҳ вакиллар жўнатиларди. Ҳар бир ноҳия конференциясида икки уч киши қатнашардилар. Ҳозир вазият бошқача. Қисқариш сабабли камчиликмиз. Уставга кўра конференцияларда қатнашиш керак. Шунингдек, марказ, вилоят, ноҳия, бошланғич ташкилотлар орасида ўзаро узилиш, кам алоқалар содир бўлаётгани сир эмас. Шароит тақозоси, жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўз кўзимиз билан кўриш, назорат қилишга баъзан имконият топилмаяпти. Шундай бўлса-да ҳаракат қилаяпмиз.

Конференцияда қатнашишимга боис, бу ерда ёшлар турмуши, иттифоқ фаолияти билан яқиндан танишиш ва марказқўм саркотиби сифатида уларга республика ёшлар ҳаётидан сўзлаб бериш, боёвутликлар билан ўзаро умумишимиздаги масалаларни муҳокама этиш эди.

ҲОКИМНИНГ ВАЪДАСИ

Ғафуржон Алиевнинг узундан узоқ нутқи — Боёвут халқининг қувончу, дардларини ифодаларди. Унинг айнан ёшлар ҳузурида барча масалаларига бирма-бир тўхталиш сабаби тушунарли. Бу ҳокимнинг йигит-қизларига мурожаати, уларни район халқ хўжалигида, бугунги қийин долзарб дамларда бирдам бўлиб, қўлни қўлга бериб, фаол иштирок этишга чақириғи эди.

Конференция якунида Ғафуржон ака билан мулоқотга чоғландим.

— **Ўз нутқингизда кўпроқ бадиий сўзларни ишлатаркансиз. Ҳатто Нодира ғазаллаларидан ўқидингиз. Мутахассислигингиз мабодо...**

— Ҳам ижтимоий, ҳам техника фанлари мутахассислигига эгаман.

— **Конференцияда сўзга чиққан баъзи музокарачилар районда ҳокимликни ёш кадрлар масалаларига эътиборсизликда айблашди. Сиз эса аксинча улардан нолидингиз.**

— Улар бирор ташаббус, таклиф билан хонамга кириб келишсину, мен буни рад этсам. Мен улардан доим шижоаткорлик, дадилликни кутаман. Ёшларда лоқайдлик борлиги рост. Эртанги истиқбол уларга боғлиқ эканлигини тушунib етмаяптилар. Мен бугун улар билан учрашар экан-ман, қайта-қайта мурожаат қиламан. Шундай долзарб дамларда бизга ишбилармон, қишлоқ хўжалигининг усталари етишмайди. Неки шароит, ёрдам керак, яратиб берайлик. Фақат чин дилдан халқнинг қийин аҳволига ичи ачишадиган, ҳалол меҳнаткаш йигит-қизлар керак. Қинғир-қийшиқ йўллар, ғирромлик биланмас, балки ҳақиқий маънода меҳнат билан пул топадиган ишбилармон ёшлар керак.

— **Ёшлар Иттифоқи биринчи котиблари жамоатчилик асосида ҳоким муовини бўлиши масаласига қандай қарайсиз.**

— Бу ҳақда кўп таклифлар бўлаяпти. Ҳақиқатан ҳам бу масалага жиддий қарашга тўғри келади. Ўйлашиб кўрамиз, маъқул йўлини танлаймиз.

— **Конференцияда «Туркистон» рўзномасида ёшлар муаммолари кам ёритилаётганлигини танқид қилишди. Сиз газетамизда қайси мавзуларда кўпроқ мақолалар ёритилишини истардингиз?**

— Ёшлар тарбияси — биринчи масала бўлсин. Тарих, маънавият, қадриятларимизга эътибор берайлик. Кейинги пайтларда мени ташвишлантирадиган ҳодиса — ёш оилаларда ажралиш ҳоллари кўп содир бўлаётгани. Нега бундай бўлаяпти? Одамларни кўпроқ ўрганайлик. Бундай нохушликларга чек қўйиш йўлларини қидирайлик.

МУХБИР УЗР СУРАЙДИ

Тошкентдан атайин конференцияда қатнашиш учун Сирдарёга хизмат сафарига жўнадим. Тўрт соат давомида йиғилиш фаолиятини кузатдим. Кейин тушлик қилдик. Боёвутлик барча каттаю-кичик раҳбарлар, ёшлар етакчилари билан бирга даврада ўтириб, суҳбат қурдик. Ўзаро яхши гап-сўзлар айтилди. Кетиш чоғида эса самимий, очиқ чеҳра билан хайрлашдик.

Бу билан боёвутлик биродарларимизда «биз ҳақимизда чиройли мақола ёзилади» деган фикр қолган бўлса, ажабмас. Аммо узр. Хизматчилик. Балки бу анжуман республика ёки вилоятникимас, район даражасидаги анжуманлигини ҳисобга олиш керакдир. Лекин барибир мен унга кўпроқ танқидий назар билан қарашим керак. Мақтов, баланд-парвоз сўзлар: «Боёвут район конференциясида барча ташкилот, корхона, ҳокимият органларидан раҳбарлар қатнашдилар. Вилоят ҳокими муовини, ХДП кенгаши котиби, Марказқўм котиби қатнашдилар ва нутқ сўзладилар. Кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Шу билан конференция ўз ишини якунлади». Шу зайлдаги жумларни ёзавериб, сиз ўқийверib зерикмадингизми?

Конференция ўтишига қараб район Ёшлар Иттифоқи ташкилоти аҳволига баҳо бериш қийинмасди. Мени ўйлантирадигани, жойларда бу ердаги каби ташкилотлар ҳалиям эскиликдан воз кечолмаяптилар. Ишларни янгича ташкил қилолмаяптилар. Замон билан ҳамнафас бўлолмаяптилар. Ҳозирча бу ташкилот ёшлар учун ягона ҳисобланар экан, озми-кўпми жамиятда ўрни бор экан, имкониятлардан фойдаланиб қолиши керак.

Хуллас, Боёвут Ёшлар Иттифоқи ташкилоти ҳам кўплар қатори — ташкилотлардан бири эди. Конференциядан сўнг ўтган пленумда Одилжон Аҳмадқуловнинг яна ўзи саркотибликка сайланди. Ҳозир бозор иқтисодиётига ўтиш даври. Бу йўлда котиб бор куч-имкониятини ишга солиб, аввало ҳокимият органларида, қолаверса, ёшлар олдида ўз мавқеини мустаҳкамлаш, ишларни янгича — давр талабига мос равишда режалаштирмоғи керак. Асосийси замондан орқада қолмаслик.

МЕҲРБОНУ,
«Туркистон» махсус мухбири.

Ушбу суврат газетамизнинг махсус мухбири Р. Жабборов томонидан олинган. Ушанда у Америқа Қўшма Штатларида хизмат сафарида бўлиб қайтганди. Ҳартугул таассуротлар катта бўлган экан, мухбиримиз газетада давомли мақолалар эълон қилди. Бироқ, ҳамкасбимизнинг сафар таассуротлари «хазинаси» ҳалиям тугамаган. Сиз суратда Нью-Лондон шаҳридаги атом сув ости кемалари ишлаб чиқараднган корхонани кўриб турибсиз.



БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

Россия табиий бойликларни сотишдан бойлик орттиришни кўзловчи контрабандачилар, товламачилар, бизнесменлар учун жаннатга айланиб қолди. Улар никелдан қуролгача, нефтдан тортиб валютагача сотиш билан машғулдирлар, дея хабар беради «Нью-Йорк таймс» рўзномаси. Чегарадаги назоратнинг сустлиги, осонгина қутулиш мумкин бўлган солиқлар, пулнинг муттасил қадрсизланиши шароитида

БОЙЛАР КЎПАЙМОҚДА, АММО...

кўпгина давлат корхоналари ва қайта бино бўлган саноат вакиллари тезроқ мумкин қадар кўп бойлик тўплаш пайига тушган. Турли мутахассисларнинг ҳисоб-китобларича, Россиядан четга оқиб кетаётган сармоя 4 миллиарддан 15 миллиард доллargача етади. Бу ердан асосан табиий заҳиралар олиб чиқиб кетилиб, олинган фойда очиқ ёхуд хуфия равишда Ғарбдаги банкларга ўтказиляпти. Ваҳоланки, 80 миллиард доллар миқдорида ташқи қарзи бўлган Россияга Ғарбга сувдай оқиб кетаётган миллиардлаб доллар асткотиши мумкин эди, дейилади мақолада.

«Биргина Польша чегарасида юз миллион тонналаб мис олиб чиқиб кетилаётганини кўриш мумкин, дейди Россияда ишлаб, катта тажриба орттирган бир ғарблик бизнесмен. — Мутахассисларнинг уқтиришича, Россиядан турли хом ашёнинг кўп миқдорда олиб чиқиб кетилиши дунё бозорида никель, алюминий ва мис нархининг беқарорлашувига сабаб бўлмоқда».

Франциянинг «Круа эвман» рўзномаси ҳам Россиядан ташиб кетилаётган қимматбаҳо ашёлар ҳақида алоҳида мақола чоп этди. «Қайта қуриш бошланганидан буён жиноятчилар гуруҳлари томонидан кўплаб тасвирий асарлар, иконалар, антиқвор санъат намуналари ўғирланиб, валюта эвазига сотилган. Россия ички ишлар вазирининг ўтган йил ёзда маълум қилишича, 1992 йилнинг етти ойи мобайнида содир этилган икки минг ўғирлик натижасида ўта қийматли 10 мингдан зиёд ноёб нарсалар ўмариб кетилган. Уларнинг ичида иконалар, Малевич ва Серов асарлари ҳам мавжуд. Рўзнома бу асарлар асосан Германия ва Австрияга оқиб кетаётганлигини хабар қилади. Унинг уқтиришича, бу мамлакатларда кейинги икки йил ичида антиқвор моллар билан савдо қилувчи дўконларнинг сони қарийб икки баробар кўпайган.

Германияда ҳам, Франциядa ҳам ушбу масала билан шуғулланувчи полиция бўлинмалари ҳаловатларини кўпам бузишаётгани йўқ. Улар бу ноқонуний савдо кўлами кенгайиб кетмаслигининг олдини олишга уринаяптилар, холос. Француз полиция комиссари Мирей Балестразенинг айтишича, қийинчиликнинг асосий боиси шундаки, Россияда ҳеч қачон антиқвор ашёлар рўйхатга олинмаган. Шу сабабли маданий меросning ғойиб бўлаётганини баъзан сезишмайди ҳам. Ана шу боисдан бу иш билан машғул кишиларни жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асослар етмайди.

Яқинда Ўзбекистоннинг божхона қўмитаси ходимлари Самарқандан Москвага учаётган Ю. Горелованинг республикамиздан тарихий қийматга эга бўлган ўндан ортиқ иконаларни олиб чиқиб кетаётганини фош этди.

Хўш, бундай шахсларга қарши қандай курашиш лозим?

— «Вашингтон пост» рўзномасининг таъкидлашича, Россия ҳукумати эркин нархларга ўтиш имкониятини яратса, бу соҳада бойлик орттираётган контрабандачилар фойданинг катта қисмидан маҳрум бўлишарди. Сиёсатдонлар бу борада баҳсларни давом эттираётган бир пайтда собиқ аппаратчи коммунистлар тижорат банклари менежерлари ва савдо компанияларининг директорлари сифатида жадал иш бошлаб юбордилар. Улар тижоратда оми бўлсалар-да, таниш-билишчилик алоқаларидан фойдаланиб мисли кўрилмаган зафарларга эришмоқдалар.

«Мен сармояси 100 миллион ва ундан ортиқ бўлган юздан зиёд кишини биламан, дейди Москвадаги «Менатеп» тижорат банки бошқарувининг раиси М. Холдоровский. — Долларли миллионерлар Москванинг ўзида мингга яқин. Яна мингтаси мамлакатнинг бошқа қисмига тўғри келади».

Россия Олий Кенгаши махсус гуруҳининг ҳисоб-китобларига қараганда, ўтган йили мамлакатдаги нархларнинг ўсиши ўртача маошга нисбатан икки баробар ошган. Маълум бўлишича, мамлакат фуқаролари ўз маошларини асосан озиқ-овқатга сарфламоқдалар. Уларнинг оқсилли маҳсулотлар — сут, гўшт, балиқ, шунингдек, мева ва сабзавотлар истеъмол қилиши сезиларли камайган. Айни вақтда нон ва картошка истеъмол қилиш миқдори ортмоқда.

Парламентдаги анализ қилувчилар гуруҳи Россия депутатлари вужудга келган оғир вазиятдан чиқиш учун бу йил асосан уч нарсага алоҳида аҳамият беришлари керакligini таъкидлашмоқда. Бу — яшаш учун зарур бўлган пул миқдори билан меҳнаткашларнинг иш ҳақлари ўртасидаги фарқни қисқартириш, аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан давлат ва минтақавий дастурларини амалга ошириш, меҳнаткашларнинг турли гуруҳларига ҳар хил ижтимоий ёрдам кўрсатиш чораларининг аниқ мақсадга йўналтирилган бўлишини таъминлашдан иборат.

Бироқ, жиноятчилик ниҳоятда авж олгани сабабли Россия парламенти айни кезда алоҳида шахсларга ўзини ҳимоя қилиш мақсадида қурол олиб юришга ижозат берувчи «қурол ҳақида»ги қонунни кўриб чиқишга мажбур бўлмоқда. Бу қонуннинг тезроқ амалда қўлланишини истовчилар ҳам, уни зарарли деб ҳисобловчилар ҳам талайгина. Хусусан, Россия ички ишлар қўшинлари қўмондони генерал-майор Анатолий Куликовнинг таъкидлашича, Россияга «қурол ҳақида»ги қонун эмас, балки аҳолини қуролсизлантириш ҳақида, ноқонуний қурол сақлаганлик учун масъулиятни янада ошириш борасида қонун қабул қилиш зарур. Акс ҳолда мамлакат ҳеч қачон жиноятчилик ва хунрезлик гирдобидан чиқолмайди. Биргина Шимолий Кавказнинг ўзида айни пайтда аҳоли қўлида 150 минг қурол бор, дейди генерал-майор А. Куликов. Бу қуроллар Россиянинг барча нуқталарига ёйилмоқда.

Россия ички ишлар қўшинлари қўмондонининг бу фикрида жон бор, назаримизда. Аммо, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш давр талабидир. Зеро, бу халқнинг дилидаги, тилидаги гап. Кези келганда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг бу борадаги шахсий топшириғи жуда ўринли бўлганлигини эътироф этиш лозим. Россияда ҳукм сураётган вазият ҳақидаги фикрни хулосалаб шуни айтиш мумкинки, бу мамлакатда тезроқ қонун тантана қилиши у билан иқтисодий алоқалар юритишдан манфаатдор бўлган Ўзбекистон учун ҳам фойдалидир.

Амирқул КАРИМОВ.
(ЎзА).

Умид «Хатлон ўғлонлари»дан

(Боши 1-betda).

100 минглаб ўқ-дори сотиб олди. Ички ишлар вазирлиги ва миллий хавфсизлик қўмитаси бетарафлик, демократия ва фикрларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги тумтароқ гапларга учиб, бу ишларга аралашмади. Уруш уларнинг кўзини очди, лекин вақт ўтган эди.

Халқ жабҳаси раиси 64 ёшли Сангак Сафаровнинг номи Ислом ақидапарастларига қарши кураш ва улар устидан қозонилган ғалабанинг рамзи бўлиб қолди. Сафаровнинг шиори — озодлик ёки ўлим. У Қизил Байроқ остида «Хатлон ўғлонлари»нинг қўзғолонини бошлади. Кўлоб қаршилик ҳаракати номи билан тарихга кирган бу қўзғолон ақидапарастлар аждарини мажақлаб ташлади. Ҳозир бу воқеани Тожикистоннинг барча олий раҳбарлари минатдорчилик билан эътироф этмоқдалар.

Ишонмайдиган одамлар (асосан республикадан ташқаридагилар) жамоатчиликка Сангакнинг 23 йиллик жиноий ўтмишини эслатишмоқда. Сангакнинг ўзи (мен унинг сўзларини Қўрғонтепада эшитдим) жазо муддатининг кўп қисми қамоқхоналардаги оғир шароитга қарши маҳбусларнинг исёнини ташкил этгани учун берилганини айтди. Етти ёшида етим қолган Сангак Сафаров фақат 50 ёшида 18 яшар қизга уйланиб, оила қурди. Ҳозир унинг саккиз фарзанди бор — кенжаси бир яшар бўлса, тўнғичи 14 ёшда.

Сангак ва «Хатлон ўғлонлари» «юмшоқ супурги» бўлиб жанг қилганлари йўқ, албатта. Халқ жабҳасини кўпинча шафқатсизликда айблашади, лекин ҳомиладор аёлнинг қорнини ёриб, ҳали туғилмаган чақалоқни парчалаб ташлаган Ислом жангариларига (бу воқеалар мутлақ тасдиқланган) қандай шафқат бўлиши мумкин?

Сангак Сафаров тантанали йиғилишларда қатнашишни ва журналистлар билан суҳбатлашишни ёқтиради. Тўғри, баъзан доғда қолади. Масалан, Сангак Душанбе олий ўқув юртларидаги негр талабаларнинг мухолифат томонида жангда иштирок этганидан ғазабланади.

— Негрлар дейсизми? — қайта-қайта сўрашади ундан. — Қайси мамлакатдан келган негрлар?

— Африкадан.

География нималигини лагерларда билган бу чаласавод қариянинг гапидан кулманг. Аввал бутун бир мамлакатни эмас, балки ўзингиз яшаётган маҳаллани безорилардан тозалаб кўринг.

Сафаровнинг бошқа бир фикри менинг ёдимда қолди. «Биз шохли ва туёқли ҳайвонлар эмасмиз! — деб хитоб қилди Сангак. — Ҳаммамиз сут эмган бандалармиз, шундай экан бирбиримизга бирodарлардек муносабатда бўлишимиз лозим».

Игорь ЛЕНСКИЙ.
Душанбе—Қўрғонтепа.
(«Правда»нинг 1993 йил 9 февраль сонидан).

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

● БИЛЛ КЛИНТОН маъмурияти мамлакатдаги барча болаларни бепул эмлаш дастурини ишлаб чиқмоқда. «Нью-Йорк таймс» рўзномасининг хабар қилишига қараганда, жумладан, федерал маблағ ва штатлар маблағлари ҳисобидан вакцина тайёрловчилардан эмловчи ашёлар сотиб олиш ва уларни барча поликлиника ҳамда хусусий шифокорларга текин тарқатиш кўзда тутилган. Ҳукумат маълумотларига кўра, ҳозирги кунда мактаб ёшигача болаларнинг 40 дан 60 фоизигача тавсия этилган эмлашдан ўтказилар, айрим шаҳарларда бу кўрсаткич атиги 10 фоизни ташкил этар экан. Эмлаш даражасининг бу қадар паст эканлигининг асосий сабабларидан бири сўнгги йилларда вакциналарнинг ниҳоятда қиммат-лашганидир.

● 8 ФЕВРАЛЬ куни Теҳрондан 15 километр ғарброқда Эроннинг «Иран эйр турс» ёвёҳат компанияси ижарага олган «ТУ-134» тайёраси ҳалокатга учради. 12 экипаж аъзоси ва 119 йўловчи ҳалок бўлди. Ирна ахборот маҳкамасининг Теҳрон халқаро тайёрагоҳи вакили сўзларига асосланиб, хабар беришича, тайёра Машҳадга йўл олган маҳали техник носозлик оқибатида бошқарув мушкуллашиб ерга қулаб тушган.

● КЛАЙПЕДА шаҳри нафақахўрларининг сабр косаси тўлиб тошди: улар кўчаларга чиқиб, аҳолининг кам даромадли табақалари эҳтиёжлари ҳақида тезроқ ғамхўрлик қилинишини талаб этдилар. Гап шундаки, Клайпеда раҳбарлари қабул қилган қарорда жамоат транспортида юриш учун фахрий нафақахўрларга берилган имтиёзлар бекор қилинган эди. Бу чора бир варакайига 40 мингдан кўпроқ кишига дахл қилди.

КЎЧИРМОҚЧИ БЎЛСАНГ, ҚАМОҚҚА ТУШАСАН

Ўз ишини билмайдиган, қоровбош кимсалар масъул лавозимларга қандай ўрнашиб олади? Ҳиндистоннинг Харьяна штати раҳбарлари ушбу саволга жўяли жавоб топиш учун анча бош қотиришди. Зеро, давлат хизматига, асосан, институт ва коллежларни аъло баҳоларга битирганлар ишга олинади. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, «қизил» диплом ҳар доим ҳам унинг соҳибида зукко ақл мавжудлигидан дарак беравермас экан. Кўчирмачилик билан бундай дипломни қўлга киритиш жуда осон.

Штат маъмурлари саводи ғовлаган «донишманд»ларни мансаб курсисига йўлатмаслик учун энди кўчирмакашлик устида қўлга тушган талабани олти ой қамоқхонага қамаш жазосини жорий этишди. Имтиҳон оладиган домлаларга ҳам ҳушёрликни ошириш топширилди.

Иллатнинг илдизига болта урдик, деб ўз ишидан мамнун бўлаётган Харьяна штати раҳбарларининг қувончига шерик бўлиш эртароққа ўхшайди. Чунки Ҳиндистон кўчаларида ким кўп — кўзбойлоғич кўп. Улар арзимаган ҳақ ҳисобига хоҳлаган талабага зийрак профессорларни доғда қолдиришни ўргатиши ҳеч гап эмас.

ДАНГ! ЭЙ БАРАНГ ОЛАМ

СОАТИГА 4 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

● АВВАЛ ҳам сайёрамизнинг энг бой одами — Бруней султонининг сармояси ҳақида хабар берган эдик. Бу гал ўша хабарни кенгроқ, батафсилроқ ёритамиз, чунки шундай қилишга энди имкон туғилди.

Дарҳақиқат, Брунейнинг 29-султони Муда Хассанал Болкиах Муизаддин Ваддаулах сайёрамизнинг энг бойвачча одами ҳисобланади. Шу ўринда бир оз улар тарихига мурожаат этсак. Султоннинг аввалги авлодлари бундан бир неча аср муқаддам барча Борнео (ҳозирги Калимантан) ороллaрида Целебесск архипелагида ва ҳатто Филиппиндаги катта орол — Лусонда ҳукмронлик қилишган. Кейинчалик Голландия, Испания, Англия мустамлакачилари - уларни аста-секин Калимантаннинг шарқий қирғоқларидаги ботқоқ-чакалакзорлар томон сиқиб чиқаради. 734 минг квадрат километрлик майдонга эга бўлган оролдан фақат 5,8 минг квадрат километр майдондагина султонлик ўз ҳукмронлигини сақлаб қололди. Сўнг 1888 йилда Британия қироллиги паноҳига киради. Британия бу «ташландиқ», йилда 6 ой тинмай ёмғир ёғадиган оролга зор ҳам эмасди. Шунинг учун бу оролни олишга ҳаракат ҳам қилмаганди. Бироқ 1929 йилда «Шелл» деб номланган Британия—Голландия компанияси геологлари бу оролда улкан нефть заҳираси борлигини аниқлади. Шунда Англия ҳам бу оролга қизиқиб қолди. Ўшандан буён «Шелл» ва Бруней султонлиги тинмай бойиб бормоқда.

Ҳассанал Болкиахнинг ҳозирги саройи 1876 та хонадан иборат. 700 та машинага мўлжалланган гаражи бор. Унда 250 та автомобили сақланади. Шундан 50 таси «Роллс-Ройс» автомобили.

Султоннинг ишқи ўйинчоқларга тушган. У радиотўлқин билан бошқариладиган ўйинчоқлар самолёт ва вертолётларни йиғади. Шу ўйинчоқлар учун ҳам бир неча хона ажратган. Унинг шахсий «Боинг-727» самолёти бор. Унда Жануби-Хитой денгизидаги «нейтрал зона»да сайр қилиб, сўнг Брунейга қайтади.

Бугунги кунда султоннинг сармояси ҳар соатда 4 миллион долларга кўпаймоқда. Унинг даромади нефть ва бутун дунёга қўйган капитали эвазига ортмоқда. Ўтган йили унинг бойлиги 37 миллард долларга тенг эди. Бу Англия қироллиги-кидан 3,5 баробар кўп демакдир.

Бугун брунейликлар ҳеч қандай солиқ тўлашмайди, текин ўқишади ва даволанишади. Ҳар бир брунейлик умрида бир марта Маккага зиёрат учун текинга бориши йўлга қўйилган.

ЕР ОСТИДА КИТ

● ҲОВУЗ учун ер қазиётган Аргентинанинг Ла-Плата шаҳри ишчилари таажжубдан ёқа ушлашди. Негаки, 1 метр ер остидан улкан скелет чиқди. Қадимшуносларнинг фикрича, бу топилма 20 метрли китнинг скелети бўлиб, шаҳар атрофи бундан 7 минг йил муқаддам океаннинг туби бўлган экан.

НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВ

Аҳрор АҲМАД,
Рўзимбой ҲАСАН,

Сиёсий суратга чизгилар

ҚОЗОҚДА етти авлодини билмаганни одам ҳисоблашмайди. Назарбоев ҳам бундан мустасно эмас. Қолаверса у нафақат ўз уруғларини, балки халқи, миллати тарихини ҳам яхши билади. У ўз илдизларидан узоқлашмаслик, узилмасликни ўзининг энг яхши фазилатларидан бири деб билади. Ва ўрни келганда бу билан мақтанишни хуш кўради. Ўзи ҳам ўз киндик қони тўкилган жой, ҳамюртларини мароқ билан эслайди. Тез-тез улар ҳузурига бориб ҳол-аҳволлашиб туришни бурчи ҳисоблайди.

У 1940 йили Олатовнинг шундоққина бағрида жойлашган Чемолган қишлоғида, уйда эмас, яйловда туғилган. Отаси, отасининг отаси, унинг отаси бари шу яйловда чўпонлик қилишган. У ҳам ҳарф танимасдан бурун қора меҳнатни, унинг оғир машаққатларини ҳис қилган. Олти яшар бола тонг саҳарда туриб пастга — қишлоққа, ишчилар посёлкасига эшакни ниқтаб жўнарди. Омади келган куни тушга яқин навбат тегиб, икки-уч буханка нонга етарди. Яна қайтадан оломонга ўзини уриб, кечгача тўққиз-ўн буханка нонни хуржунга жойлаб, тоққа қараб жўнарди. Бу ноннинг ўзини еб бўлмасди. Қумга ўхшаб ғижирарди. Қуритиб, майдалаб талқон қилишарди.

Ишчилар посёлкасида асосан руслар яшаган. Отаси бир муддат рус Никофоровлар хонадонида хизматда бўлгани учун кейин ҳам борди-келдилари узилмади. Нурсултон ҳам уларнинг болалари билан бирга ўсиб, бу тилни мукаммал эгаллади. Шу даврда бу халқдаги ўшандаги самимийлик, ҳалоллик, дилкашликни ёқтириб қолган. Кейинчалик у улғайиб катта сиёсатга кирганда кўп ўринларда муросага боришида мана шу эски хотиралар устун келган бўлса, ажабмас.

У ҳаёт ҳақида, унинг алдови, ситамлари ҳақида биринчи бор қишлоқ мактабини тугаллаб, Қозоғистон Давлат дорилфунунига киролмаганида ўйлаган. Сўнг учувчи бўламан деб Киев фуқаро авиацияси институтига ўқишга киради. Талабалик гувоҳномасини қўлга олиб хурсанд қишлоққа қайтган Нурсултоннинг гаплари отасига, қишлоқ оқсоқолларига маъқул келмайди. «Узоқда нима қиласан, кўз олдимизда бўл, ҳунар ўрган, қишлоққа нафинг тегсин» дейди қариялар. У ўқишни ташлаб, комсомол йўлланмаси билан янги қурилаётган Қозоғистон Магниткаси — Қарағанда металлургия комбинатига ишга киради. Шу-шу асосий касби металлургик бўлиб қолади. Шу ерда ишлайди, кечкида ўқийди, одам танийди, ҳурмат орттиради. «Ҳали-ҳануз тушларимга домна печь кириб чиқади», деб гапиришдан хижолат чекмайди.

Нурсултон оғанинг тушига домна печи киришининг бошқа сабаби ҳам бор. Чунки у ўзининг 30 йилдан ошиқ ёстиқдоши, турмуш ўртоғи Сора хонимни илк бор мана шу домна печь ёнида кўрган. Ёш, чиройли Сора ҳам шу комбинатдаги электроподстанцияда ишларди. Ўша куни печь ёнида авария юз бериб, Нурсултон билан шериклари жон ҳолатда ишкали бартараф этишла банд эди. Қиз қурмағур бу ерда нима бўлдийкин деб кўргани келган экан. Кўп ўтмай уларнинг комсомол тўйлари бўлиб ўтди. Биринчи тўй кечасини танишларининг уйида ўтказишади. Икки хонали уйнинг бир хонасида улар ўзи ётишади. Иккинчи хонасида кекса кампир ва келин-куёвлар. Президент ҳали ҳам дастлабки тўй кечасини кулиб-кулиб эслайди. Уларнинг уч қизлари бор. Катталари турмушга чиқиб кетди. Кичиги мактабда. Оқсоқолнинг ўзига келсак, бир қарашда жиддий одам кўринса-да, давраларда хушчақчақ, очиққўнгил. Кейин қўлига дўмбирани олиб, қўшиқ ҳам айтиб бериши мумкин. Билган қўшиқларининг аксарияти қишлоқ ҳақида, болалик ҳақида, қозоқнинг ўз табиатидек кенг саҳрою-яйловлари ҳақида.

Мустақил Қозоғистон ва унинг биринчи Президенти тўғрисида гапирганда, 1986 йил декабрь воқеаларига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Чунки энди билсак, қайта қуриш замонида мустақиллик учун дастлабки ғишт ўшанда қўйилган экан. Чунки энди билсак, ўшанда миллатчилик деб қақшатқич танқид қилинган бу ҳодиса аслида СССРда миллий уйғониш, ўзлигини англаш йўлидаги дастлабки қадам экан.

Олма-ота фожиасининг туб моҳиятини англаб етиш мана шунинг учун ҳам керак ва қадрли.

...1986 йил декабрнинг бошида СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижков Қозоғистонга келади. Уни республикадаги ҳамкасби Нурсултон Назарбоев кутиб олади ва улар Қозоғистондаги нефть ва газ ер ости бойликларини бориб кўришади. Олма-отага қайтишганда, уларни Қунаев қаршилайди. Ҳозиргина Москвадан келганини, ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзганини айтди. Назарбоевни унинг мамнун кайфияти ҳайрон қолдиради. Лекин кўп ўтмай ҳаммаси ойдинлашади. Москвада республиканинг «биринчилигига» номзод тайёрлаб қўйилган экан.

16 декабрь куни Қозоғистон Компартияси Марказқўмининг ташкилий пленуми бўлиб ўтади. Кадрлар «ўйнининг» устомони Разумовский пенсияга кетган Қунаев ўрнига, илгари Ульяновск вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Г. В. Колбинни тавсия этади. Гаранг бўлиб қолган пленум қатнашчилари бир овоздан қўл кўтаришади. Масала ҳал. Пленум 18 минутда якунланади.

Ҳаммаси эртасига бошланади. Марказқўм биноси олдига аввало 200 чоғли ёшлар йиғилади. Ҳар хил ёзувчалар кўтариб олинган. Кейин одамлар сони тобора ортиб боради. Асосий раҳбарлар Колбин ҳузурига чақирилади. Нима қилиш керак? Халқни тинчлантириш учун кимдир улар олдига чиқиши керак эди. Улар нега ўз юртини қозоқ бошқармайди деган ўша давр учун ўта қалтис масала қўйишади. Ҳар бир кишининг ҳаётида мана шундай дақиқалар бўлади. Лаҳзада танланган йўл охир-оқибат унинг бутун ҳаётини белгилаб беради. Лекин бу ишга шунчаки тасодиф кучи даъват қилмайди инсонни. Лаҳзада қабул қилинган қарор инсоннинг эътиқоди, ҳаётий принциплари, тарбияси ва виждонининг ундови ила юзага чиқади. Халқ олдига чиқишга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди. Шунда Назарбоев юрак ютиб уларга юзланади. Уларнинг ҳақли таъналарига Назарбоев ҳам жўяли жавоб қилолмади. Нима ҳам десин. Бўлар иш бўлган. Бундай пайтда одамларни қуруқ гап билан тинчлантириб бўлмайди.

Шундан кейин у кўп таъналарга қолган бўлсада, ҳатто бу «тўполонни ўзи уюштирган» деган даъволар юрагига тикондек санчилган бўлсада, асло бу иши учун афсусланмайди. Ўзини оқлаб ўтирмайди.

18 декабрда эса мудҳиш фожеа юз беради. Намойишчилар ўққа тутилади. Сапёр белкураклари ишга тушади. Ана шулар мустақилликнинг қайта қуриш давридаги биринчи қурбонлари эди.

Нурсултон оғага таъриф берганда, гапнинг бир учи Динмуҳаммад Қунаевга бориб тақалади. Димаш оқсоқол яқинда Шароф Рашидов юбилейига келганда журналистлар билан ҳам учрашганди. Қайсидир биримиз «Назарбоевга муносабатингиз қандай? У сизнинг шогирдингизми?» деб сўрадик. Саксондан ошган бўлсада ҳали ҳам бардам оқсоқол кулиб жавоб берди:

«Бир гал Қарағандага борсам, металлургия комбинатида уни кўриб қолдим. Қарасам бўладиган йигит. Кел шул қазақтин ширайли боласи одам бўла қолсин, дедим». Мухтасар қилиб айтсак, шу. Лекин шу ўринда унчалик ҳам лирик бўлмаган бир чекиниш қилсак.

1972 йили ёш, меҳнаткаш, қатъиятли, анча-мунча тажрибали коммунист Назарбоев Қарағанда металлургия комбинати парткомига котибликка тавсия қилинади. Комбинат фаолияти билан Кремлда жуда жиддий қизиқишарди. Унда бир неча ўн минг киши ишлар, 3 мингдан ортиқ киши эса партия аъзоси эди. Комбинат парткоми котиби лавозими КПСС Марказий Қўмитаси Секретариати номенклатурасига киришиданоқ билиб олаверинг. Лекин комбинатда аҳвол яхши эмасди. Ишлаб чиқариш суръатлари паст, маънавий аҳвол ёмон. Металлурглар ишлаш ва яшаш шароитлари ачинарли. Янги қурилишлар суръати паст. Ниятида улкан ишлар қилиш бўлган Нурсултон КПСС Марказқўмига хат ёзади. Кўп ўтмай корхонага яқинда сайланган КПСС МҚ котиби Долгих келади. Бир неча кун комбинат ҳаёти билан танишади. Нурсултон унга кўп гапларни айтиб беради, режалаштирган ишларини баён қилади. Долгих кетгач, Москвадан 50 кишилик комиссия келади. Улар ўша давр анъаналари йўсинида парткомнинг комбинатда ишлаб чиқариш интизомини яхшилаш, партиявий фаолиятни кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар бўйича Марказқўм секретариати мажлисига масала тайёрлашади.

Кўп ўтмай, Москвага Секретариат мажлисига чақиришади. Назарбоевнинг ҳисоботи ҳаммада яхши таассурот қолдиради. Айниқса Сусловда. Шундан кейин комбинат ишчилари учун янги турар жойлар, маданият саройи, спорт шаҳобчаси, болалар боғчалари, дам олиш уйи қурилади. Табиийки, ишлар ҳам юришиб кетади. Шундан бошлаб Нурсултон Абишевич катта миқёсда тан олинади. Мансаб пиллапоялари энди унинг оёғи остига ўзи кела бошлайди. Кейинчалик Қунаев кайфияти яхши пайтда унга айтади: «Ўша Секретариатдан сўнг ёқиб қолдинг. Кўз остимга олиб қўйдим».

Ёқиб қолган Назарбоев кўп ўтмай вилоят фирқа қўмитасига котиб бўлади. 80-йили эса Қозоғистон Компартияси Марказқўми котиблигига сайланади. 1984 йили Олий Совет раиси С. С. Имашев вафот этади. Унинг ўрнига эса ҳукумат бошлиғи, қария Б. А. Ашимов ўтади. Бўшаб қолган Министрлар Совети Назарбоевга тегади.

Бу кўтарилишларда шубҳасиз Қунаевнинг ҳам хизматлари бор. Лекин Назарбоев қайси лавозимга раво кўрилган бўлса, ўша ўринга ундан зўрроғи йўқлиги учун ҳам қўйилганини тан олиш керак. Унинг ҳалоллиги, тўғрисўзлиги, дадиллиги ютуғи эди. Асосийси у меҳнаткаш эди. Ёшлигидан қора меҳнатда катта бўлган, ишдан чўчимасди. Одатда қора халқ, «пўрим» раҳбарларни ёқтиришмайди. Назарбоев ўз заминини, илдизини унутмаган. У металлурглар, олдига борганда коржомасини кийиб, домна печга яқинлашишдан чўчимайди. У шахтёрлар ҳузурида ваъз ўқимайди, тўғри шахтага тушади Шунданми у қаерда ишламасин, яхши таассурот қолдиради.

Одатда раҳбарлар ишлаб чиқаришдаги бирор йигитчани ёқтириб қолишса, эътибор бериб ўстиришади. Шундай ўстиришадики, бир кун у ўз ўрнига чинакам номзодлигини англаб етганда чўчиб кетишади. Ва шу кундан бошлаб уни сал «гўштини босиб» қўйишни ўйлашади.

Назарбоев ва Қунаев муносабатларини бу классик ақидага тўла мос тушади деб айтолмаймиз. Лекин...

Бирга ишлашган даврларнинг сўнгги пайтлари орага англашилмовчилик тушди. Назарбоев республикада авж олаётган порахўрлик, қўшиб ёзиш, таниш-билишчиликка чек қўйиш кераклигини оқсоқолга бир неча бор очиқчасига айтди. Қунаев ҳам унинг гапларини охиригача эшитарди-да, лекин ҳаммаси шу билан қолиб кетарди.

Бир гал мана шундай ўзаро суҳбатларда Димаш оғага унинг укаси Асқар Қунаев ҳақида гапирди. Ука ўша кезларда Қозоғистон Фанлар академиясининг Президенти эди. Лекин академияда аҳвол мураккаб эди. Таниш-билишчилик ишнинг асосий мезонига айланган. Президент эса ичиб, ҳар хил хунук машмашалар чиқарарди. Назарбоев бу ҳақда Динмуҳаммад Аҳмедовичга дўстона тарзда айтади. Лекин эртасига унга президент сим қоқиб «нима, сенинг арпангни хом ўрдимми», деб ўшқирди.

Назарбоев ҳар қандай раҳбарда энг аввало инсонни кўришни хоҳлайди. Шунинг учун ҳам ўзи кўп азият чекиб юради. У одамларга, айниқса раҳбарларга ишониб кўп панд ейди. КПСС МҚ пленумида Қунаев пенсияга кетаётганда, сўз олиб, Олма-ота воқеаларига Назарбоев айбдор дейди. Хайрият Горбачев тўхтатиб, уришиб беради. Лекин айтилган гап, отилган ўқ. Назарбоев касалхонага тушади. Олдинроқ уни «Совмин» раислигидан олиш тўғрисида бир икки Горбачевга айтганини ҳам кейинроқ билади. Уни Колбин чақириб, «ёрдам бер, бирга ишлайлик», деганда Назарбоев унга ишонади. Бор кучи билан унга ёрдам қилади. Лекин билсаки, бу пайтда Колбин Москвадан тезроқ Назарбоевни ўша ёққа ишга чақиришларини кўп бор сўраган экан.

У «сиёсатда ахлоқ бўлмайди» деган ақидага ишонмайди. Аниқроғи уни пучга чиқаришга уринади. У катта сиёсат катта ахлоқий принциплар уйғунлиги деб айтади. Лекин буни исбот қилолмайди. Чунки сиёсат бир кишининг иши эмас. Сиёсат ўйин ҳам эмас. Лекин ҳалол кураш бўлмоғи керак дейди Назарбоев. Оғзи куйган ҳукумат бошлиғи энди ўзини батамом ишга уради. Республикани танг иқтисодий аҳволдан олиб чиқиш йўлларини ахтаради. Қозоғистонда у кирмаган завод-фабрика, у бормаган хўжалик қолмайди. У ҳамма жойда аввало ишчилар билан суҳбатлашар, улар билан сўрашишга, бирга тамадди қилишга ирганмасди. Энг муҳими, у кетгач, шу ерда ўзгариш, иш суръати ҳам ошарди. Бу одамларга таъсир қилар, улар анча пайтгача яхши ном билан эслаб юришарди. Ахир раҳбарлар келиб-кетгач натижа бўлмаган ҳоллар озмунчами?

Ва ниҳоят унинг гали келди. 1989 йил майда СССР халқ депутатларининг съездида Колбин Иттифоқ халқ назорати Қўмитасига раисликка тасдиқланди. Энди Қозоғистонга «биринчи» сайлаш керак эди. Колбин воқеасида ҳушёр тортиб қолган Москва бу гал бошқача йўл тутди. Депутатлар, вилоят раҳбарлари фикри эшитилди. Маҳаллаларда, заводларда учрашувлар бўлди. Зиёлиларнинг сўзига диққат қилинди. Чунки кўп нарсани билади улар, ҳам кўп нарса шуларга боғлиқ. Шундан кейингина Пленум чақирилиб, Назарбоев номзоди қўйилди. Биринчи бор ёпиқ овоз берилди. Уни ҳамма ёқлаб чиқди.

Катта сиёсатчиларни хушловчилар қанчалик кўп бўлса, муҳолифлар ҳам бўлади. Бу табиий ҳол. Ва бунга кўникмоқ ва ўрганмоқ керак. Зеро, муҳолифий кайфият ҳукмрон сиёсатнинг ҳаётдан узоқлашиб кетмаслигининг муҳим шартидир.

Лекин холисанилло фикр қилсак, Назарбоев сиёсатидан норозилар кам. Оппозицион кайфият бор, лекин у моҳиятан соғлом куч. Республикада бир неча партия ва ҳаракатлар ўз нашрларига эга. Назарбоев улар фикридаги амалий, иш нуқтаи-назаридан фойдали ўринларини бажонидил қабул қилади. Маълум маънода улар билан ҳамкорликка боради. Лекин ташаббусни бериб ҳам қўймайди. Чегарадан чиққанларни тартибга ҳам чақириб туради.

Умуман Назарбоев масалаларга эҳтиёткорлик ва ўта босиқлик билан ёндашади. Йўқса, 40 фоизигина қозоқ миллати бўлган Қозоғистонда кўп ҳолларда ихтилоф чиқиши мумкин эди. Нурсултон Назарбоевнинг маҳорати, ўз мамлакатини мана шундай фожеадан сақлаб қолди. У ўз миллатини кўкларга кўтарган ҳолда, Қозоғистонда яшовчи бошқа миллатларни ерга урдириб қўймади. У ўз қондошларини ишонтира олди: «Ўтмиш хатолари учун буларда не айб? Сталин қатағони ва уруш туфайли улар ўз уйларидан бадарға бўлишган. Инсон сифатида уларнинг ҳар бири — сизу-биздан кам эмас. Ҳозирги мураккаб пайтда бу масалада ихтилоф чиқса, ҳаммаси тугайди. Ўтмишни қувғин қилиб бўлмайди. Келажакни ўйлаб яшайлик». Одамлар унга ишонди. Чунки ўзи уларга ишонади. Бу сиёсат туфайли русзабонлар ўртасида ҳам обрўси беқиёс Шу сабаб, президентлик сайлови уларнинг рекорд даражадаги овозини олди — 99 фоиз.

Назарбоев айнан мана шундан кейин катта сиёсатчи сифатида танилди. Шуни айтиш керакки, раҳбар сифатида у очиқ, ошкора сиёсат олиб боради.

Яқинда матбуотда унинг докторлик иши ҳимоя қилгани тўғрисида ёзилди. Тўғриси Президент докторлик иш қилгани бир қарашда кишиларга эриш туюлади. Ҳа, энди раҳбар одамга диссертация ёқлаш ҳам осон, бир оғиз гапи билан битади деб ўйловчилар ҳам бор. Лекин Назарбоевнинг умр йўлини жиддий ўрганган кишилар бундай хулосага келмайдилар. Чунки у институтда ўқиб юрган кезларидаёқ бу ҳақда бош қотирарди. Комбинатда ишлаб, бироз тажрибаси ошганда, ишга илмий ёндашиш тўғрисида ўзича қораламалар қилиб юрганди. Айниқса уни рудани қайта ишлашда жуда кўплаб қимматбаҳо маҳсулотлар чиқитга чиқиб кетиши ўйлантирарди. Шу ҳақда диплом иши ёзган ва у юқори баҳоланган. Ўқитувчилар илмий иш қилишни, мавзуни кенгайтириб ва чуқурлаштириб, номзодлик диссертациясига айлантиришни айтишганди. Лекин ишдан кўзи қиймаган Назарбоев комбинатдан кўнгил узиб кетолмади. Лекин қаерда ишламасин, кейинчалик қайси раҳбарлик лавозимларида бўлмасин асосий иши иқтисод эди. У иқтисод ва ишлаб чиқаришнинг кирмаган кўчаси қолмади. Мана шу йиллардаги тажрибалар ва муаммоларни ёзиб юрди. Олий партия мактабида ўқиганда унга илмий иш қилишни жиддий тавсия қилишди. Ва ниҳоят, орадан бир муддат ўтиб, 80-йилларнинг охирларга келиб, у илмий иш ёқлади. Куни кеча қилинган докторлик диссертацияси эса кейинги даврда тўпланган тажрибаларнинг маҳсули, холос. Тўғри, бу ўринда ҳам бир нарсани тан олиш керак. Назарбоев тайёрлаган материалларнинг ташкилий жараёнлари, унвон ёқлашнинг расмий қоидаларини бажаришда унга маълум қулайликлар бўлган бўлиши керак. Лекин шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш керак. Унинг бу ишларига эски раҳбарлар ўзига «юлдуз» тақишни яхши кўрганлардек, қараш керакмас. Назарбоев кўпдан бери кўнглига тугиб юрган ва қиламан деган ишини уддалади, холос. Қолаверса бундан иқтисодга наф тегишини билгани учун ҳам бу ишга жазм қилди. Умуман, раҳбарлар илмий иш қилганининг яхши бир жиҳати бор. Агар улар чиндан ҳам жиддий тадқиқотларнинг натижаси бўлса, ундан халққа кўп наф тегади. Чунки раҳбарнинг илмий фаразларини амалда қўллаш осон. Бу йўлда бизда ҳамиша бўлиб келган, тараққиётнинг тўғаноғи — бюрократизм тўсқинлик қилишга ожиз.

(Давоми бор).

«ҚИЗИЛ ТОНГ»: ЯХШИРОҚ ИШЛАЙ ОЛАМИЗ

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бу йил бир неча миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирди. Олинадиган фойда эса кўп жиҳатдан тайёр маҳсулот нархига боғлиқ. Корхона ходимлари нархни оширишга ҳаракат қилишаётгани йўқ, лекин улар эркаклар ва аёллар устки кийимларини тикиш учун мато етказиб берувчиларга қарамдирлар. Бирлашма бундай материалларни етказиб бериш тўғрисида МДҲдаги кўпгина корхоналар билан битим тузган. Ҳамма хом ашёнинг нархи муттасил ошиб боряпти. Бундай шароитда нима қилиш керак?

— «Қизил тонг» — ихтисослашган корхона, — дейди иқтисод бўлимининг бошлиғи Е. В. Великая. — Асосан эркаклар ва аёллар пальтоси, болалар учун устки кийим ишлаб чиқарамиз. Бу маҳсулотларнинг хили ўзгармайди. Уларнинг моделига келганда эса ҳар йили етмиш фоизгача ўзгартирилади. Чунки фирманинг иқтисодий кўрсаткичлари биринчи навбатда маҳсулотимизнинг харидоргирлигига боғлиқ. Бу маҳсулотлар ҳозир харидорлар учун анча қимматга тушаётганига қарамай, талаб катта. Нархни биз асосий хом ашё нархидан бир неча фоиз оширамиз. Акс ҳолда ишлаб чиқариш тўхтаб, ходимларимиз кетиб қолишади.

Корхонада бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бир қанча цехларни техника билан қайта жиҳозлашга муваффақ бўлинди. Франциядан келтирилган машиналар ўрнатилмоқда, технология такомиллаштирилмоқда. Жамоа барқарор бўлиши учун ҳаракат қилинаяпти. Дарвоза ёнига янги ходимлар қабул қилинмайди, деб ёзиб қўйилган. Аммо ўз ходимларимизнинг кетиб қолишларини ҳам хоҳламаймиз. Мутахассислар зарур бўладиган вақт келишига ишонамиз. Бунинг учун ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга олинган қўшимча фойдадан фойдаланилмоқда. Ҳозир тикувчиларнинг ўртача ойлик маоши ўн минг сўмдан ортиқ.

Корхона яхшироқ ишлай оладими?

— Ҳозир биз асосан давлат буюртмасини бажаряпмиз, — деди бирлашма директори Х. Акбаров. — Республикамизда яхши уюшган, рақобатчилар кўп бўлган енгил саноат бозори вужудга келса, бундан ҳамма наф кўради. Ҳозир ҳам биз бир жойда тўхтаб турганимиз йўқ, маҳсулот ишлаб чиқаришни такомиллаштиряпмиз. Кучли рақиблар пайдо бўлса, тағин ҳам яхшироқ ишлаймиз. Бунинг учун имкониятларимиз бор.

Директорнинг сўзлари ҳақ. Бирлашмада бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳамма имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқариш чиқитларидан бир неча ўн хил кенг истеъмол моллари тайёрланмоқда. Болалар сарафанчалари, кофтачалари, чойнак учун ёпқичлар шулар жумласидан. Балки булар арзимаган нарсадир, лекин рўзғорда шулар зарур. Ўтган йили ана шундай моллар 3 миллион сўмдан кўпроқ фойда берди.

Корхона раҳбарлари бозор иқтисодиётига ўтишда хорижий фирмалар тажрибаси ва технологиясидан кенг фойдаланиш зарур, деб ҳисоблашмоқда. Хитойда харидоргир кийим-кечак ишлаб чиқарадиган «Мониза» фирмаси билан қўшма корхона ташкил этиб, «Тошинтерм» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси ёрдамида аёллар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирча бу кийимлар қимматроқ. Хорижий фирмаларнинг бошқа таклифлари ҳам мавжуд.

«Қизил тонг» истеъмолчиларнинг, жамоанинг манфаатларини кўзлаб ишламоқда, янги йўлларни изламоқда.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбири.

* * *

СУРАТЛАРДА: 1. «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Тошинтерм» корхонаси ҳамда Хитой билан ҳамкорликдаги «Ойдин — Мониза» қўшма корхонаси цехи ишчиси Дилдора Юсупова тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда; 2. Қўшма корхона директори муовини Чэн ЦЗЯНЬ тикувчи Гулчеҳра Усмонова иши билан танишмоқда; 3. 4-цех тикувчиси Насиба Собирова; 4. Тикувчи Насиба Қўзнева; 5. Қўшма корхона цехида иш қизғин.

Суратчи
Муҳаммад АМИН.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● АҚШ собиқ Президенти Ричард Никсон Москвага норасмий ташриф буюрди. Кеча у Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев ва Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин билан учрашди.

● МУСТАҚИЛ Ҳамдўстлик Давлатларида нашр қилинаётган нашрлар ичида энг оммавийси «Труд» газетаси ҳисобланади. Унинг бугунги кундаги тиражи 4 миллион 200 минг нусхадир. Кунимекеча таҳририят ўз муштарийларини ана шу ҳақда хабардор қилди.

● ДУНЕДАГИ қайси мамлакат раҳбари энг кўп маош олади? Муштарийларни қизиқтираётган бу саволга куни-кеча дунё ахборот агентликлари тарқаттан хабарлар жавоб бера олади. Япония бош вазири энг кўп маош оларкан. Унинг ойлиги 37708 долларни ташкил этади. Ундан сўнг Германия канцлери туради. Г. Коль 18333 долларни ҳар ойда қурт-дай санаб олади. Учинчи ўринни эса АҚШ Президенти эгаллайди. Унинг маоши 16600 доллар. Англия бош вазири, Франция ва Италия Президентларига 7 минг доллар тўғри келади.

Россия Президентининг ойлик маошини долларга қиёслаб ҳисоблайдиган бўлсак, 115 доллар экан. Бошқаларники эса, афсуски...

● РУСЛАРНИ Н Г яна бир таниқли артисти Людмила Гурченко ҳам хорижга кетадиган бўлди. Батамом эмас, вақтинча ишлаш учун. Уни «Марк-6» авиакомпаниянинг Президенти, келиб чиқиши рус бўлган Марк Шубин таклиф этди. Эндиликда Гурченко Флорида штатидаги махсус мактабда актёрлар, фотомоделлар, дизайнерлар, гримерлар ва манекенщицалар тайёрлайди.

● ТУРКМАНИСТОНга, Ўзбекистонга ва Қозоғистонга сафарини тугатган Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий куни-кеча Сурия Араб республикасига ташриф буюрди.

● 1 ФЕВРАЛДАН 8 февралгача Тошкентда қўйган ёмғирни Ўзбекистон об-ҳаво марказининг бошлиғи Р. Г. Шодиева мислсиз ёғингарчилик, деб атади.

— 2 февраль куни энг кўп — 42,3 миллиметр ёмғир ёғди, деди у. — Ҳафта давомида ҳаммаси бўлиб ёққан ёмғир 150 миллиметрга етди. Бу — уч ойлик меъёрга деярли тенг келади.

Божхонадан маълум қилишларича:

Андижон вилоятининг Марҳамат тумани қўшни Қирғизистон Республикаси ерлари билан туташ. Қўшниларнинг олди-бердиси ҳам яхши йўлга қўйилган. Айтишади-ку, узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал, деб. Бироқ баъзида қўшниларимизнинг Ўзбекистондан қуруқ қўл билан чиқиб кетмаётганликлари аён бўлиб қолмоқда.

Жумладан, Ўш шаҳри томон йўл олган «ГАЗ-53» русумли, давлат белгиси 45—69 ОШТ машинасидаги юклар кўздан кечирилганида, шу шаҳарда фаолият кўрсатаётган Ўразбоев номидаги ширкат таъминотчиси О. Маматов 1 тонна 760 килограмм маргаринни ноқонуний равишда Қирғизистонга элтмоқчи бўлгани аён бўлди.

Дарвоқе, маргарин ҳақида. Аҳоли бежиз нолимаяпти. Дўконларда уни топиб бўлмаса. Тошкент маргарин заводи ишга тушганида қувонганимиздан бошимиз осмонга етганди: «Энди маргариндан қисилмаймиз»... Дастлаб шундай бўлди ҳам. Ҳатто маргаринни кўчаларга чиқариб сотишди. Афсус, бундай серобчилик узоққа чўзилмади. Бир ой ўтиб-ўтмай, у яна анқонинг уруғига айланди-қолди.

Ким айбдор? Тошкент маргарин заводи тўхтаб қолдими? Йўқ, завод аввалгидан ҳам кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқараяпти. Савдо шоҳобчалари ҳам етарлича таъминланмоқда. Аммо баъзи бир нопок сотувчилар бу маҳсулотни қўлга киритди. Аммо унга божхона ходимлари «панд» беришди. Ширкатчи ноқонуний равишда олиб кетаётган молни давлатга топшириша ва жарима тўлашга мажбур бўлди. Ана шунақа! Нафс балосига учраганлар жазосиз қолмайди.

Бу замонда касалланган «ўзимизга ортиқчалик қилиб қолган» маҳсулотни эшик қолиб тешикдан пуллашмоқда.

О. Маматов ҳам Риштондаги «ҳомийлари» ёрдамида осонгина халққа меъёрида сотилаётган, (гоҳида талонга ҳам ололмайсиз) ушбу хасталарга осон тутманг. Дори-дармон топиш ниҳоятда мушкул. Тўғри айтишингиз мумкин чайқовда пулингизга ачинмасангиз топасиз деб. Биз буни асло инкор этолмаймиз. Бугунги чайқовчилар оёғи ўрнига тили билан юрадиган бўлиб кетишган. Кеча арзимаган чақа турувчи нарсанинг баҳоси ҳозир осмонда. Фалонча берасан дейишади, тап тортмасдан.

Бу камёб, тақчил моллар учарларнинг қўлига қандай тушиб қолмоқда? Дорихоналарда йўғ-у, уларда бор. Билган одамга бунинг ҳам йўли осон экан. Яқинда Андижондаги «Плодоовощчинпром» концерни номига божхона рўйхатида кўрсатилмаган 898 шиша, «Шам Куй Дай Бо» одамгиёҳ дамламаси (женьшень эритмаси), «Виктофорс Дай Бо» 558 шиша (2 миллион сўмдан ортиқ туради) Вьетнамда ишланган дорилар келиб тушди. Буни Москвадаги «Мост» фирмаси ишбилармонлари пуллашмоқчи эди. Бироқ...

Андижонда ушбу алғов-далғов замонда ўз мақсадида халқнинг мулкини талон-тарож қилиб бойлик орттиришни кўзлаган одамлар ҳам йўқ эмас. З. Комилов деган шахс 910 метр крепдешин газламасини Москвага олиб кетиб сотмоқчи бўлганида тўрга илинди. Унинг шунча газмолни қаердан олгани суриштирилмоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Республика Давлат божхона қўмитаси матбуот маркази ходими.

ДУТОР, СУРАТ ВА ПАЛОВ

Файзулла ака дуторга қачон меҳр қўйди. Эсолмайди. Фақат биладики, ўқувчилик йиллари эди.

1943 йилдан бошлаб Муқимий театрида ишлай бошлади. Ўша кезлар Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Комилжон Жабборов, Саиджон Калонов, Абдуллажон Охунов, Салоҳитдин Тўхтасинов, Маҳмуджон Юнусов, Орифжон Қосимов, Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Шариф Қаюмов каби санъаткорлар унга устозлик қилдилар.

1946 йили «Тоҳир ва Зуҳра» асари саҳналаштирилди. Тоҳир роли Файзулла ака Муталхўжаевга топширилди. Бу ролни бутун вужуди билан ўйнарди ўзиям. Олқишларга кўмилиб кетарди. Суратга ҳам ўшанда тушган. Шундай кунларнинг бирида театрга Усмон Юсупов ташриф буюради. Асарни берилиб томоша қилгач, санъаткорларга катта баҳо беради. Спектаклдан сўнг Усмон Юсупов Ўзбекистон ҳукумати номидан Файзулла акага олтин соат ва бошдан оёқ сарупо берганлар. Оналари раҳматли Жаннатхон опага икки кийимлик бастон тақдим этганлар.

Файзулла ака айни пайтда қарилик гаштини сураяптилар. Қўшиқлари радио орқали берилмоқда. Оиласи Каримахон, фарзандлари Кумушхон, Адолатхон, ўғиллари Аловиддин, невералари Отабек, Убайдулла, келинлари Гулчеҳрахонлар шод-хуррам. Бундай кунларда эса албатта палов дамланади. Палов Файзулла ака қўлбола қилиб, ўчоқда тайёрлайдилар.

СУРАТЛАРДА: Муталхўжаевлар оиласи ва Файзулла ака Тоҳир ролида тушган суратни кўрмоқда.

Мати ва суратлар Муҳаммад АМИНники.

Жиноят ва жазо

НОМУС КУШАНДАЛАРИ

Ҳурматли муҳаррир!

Биламан, ҳозир Сиз «арзимаган нарса экан-ку, бунга чўзворяпти-да, жуда» деб ўйлаяпсиз. Сиз ҳақсиз. Лекин иккита қизчани бадном қилиш учун, аввало муҳит керак. Муҳит қандай юзага келаяпти, бунга ўзингиз биласиз: ичкиликбозлик, беҳаё видеофильмлар, кўз ўнгимизда содир бўлаётган фоҳишалару, «...бозлар, энг охири ҳеч нарса билан иши йўқ айрим томошабин кишилар...» Мен уларни яна қайтариб ёзишдан кўра, персонажларнинг табиатидан, уларнинг қизиқишларидан ахтариб кўришни ўзимга эп кўрдим. Балки, ростданам зеркарлидир. Бу ёғи Сизларга ҳавола...

У гандираклаганча ошхона томонга ўтди. Томоғи тақиллаб, кўнгли беҳузур бўлиб борарди. Ютоққанча пақирларни бирма-бир кўтариб кўрди: биринчиси, иккинчиси...

— Падарингга лаънат, бир қултум ҳам сув қолмапти-я!

Сардор бўш пақирни четга улоқтирди-да, човгумдаги илиқ сувни бир кўтаришда ичиб тугатди. Ичкарига кириб, диванга чўзилди, телевизўрнинг қулоғини буради. Қандайдир хорижий фильм кўрсатишаётган экан: ур-сур, фалокат, беҳаё эркак аёлларнинг шармандали қилиқлари... Сардорнинг кўз ўнгидан кечаги воқеалар бирма-бир ўта бошлади. Мундоқ ўйлаб қараса, тўйда анчагина оқкўйишган экан-да ўзи. Даврада ўйнаётган рақҳоса билан ҳам ичишди чоғи. Тўйхонадан чиқишгандаёқ «ширингина» эди ҳаммаси, ярим кечада чойхонада пиширириб қўювдими кейин! Ўшаниси ортиқча бўп кетди. Тўхта, кейин нима бўлувди? Уйга қанақа қилиб кеп қолди? Ҳа-ҳа, бўлди! Равшан пакананикига киришиб, сигарет олишди. Демак, пакана кузатиб қўйган уни.

Сардор истар-истамас кўчага чиқди. Ишига-ку, барибир кеч қолган, аслида шу аҳволда заводга боришнинг ўзи бемаънилик. Соқол қиртишлашга ҳафсала қилмади, бунинг устига кўзлари қизариб, қовоқлари салкиб ётибди. Э, нима бўлса, бўлди! Бир-икки кун ишга бормаса, осмон узилиб ерга тушармиди?

У хазон қоплаган йўлак бўйлаб бораркан ўзича ўйлади. Хўш, бугун қаёққа бориш керак? Бирорта холироқ қаҳвахонагами, пивохонагами бориб, эски танишлар билан «бош оғриқ» қилсамикан? Ёки боғ ичкарисидаги видеобарга борсинми?

Сардор бир алфозда соҳилдаги қаҳвахонага етиб келди. Четдаги ўриндиққа жойлашиб, гарчи зарурати бўлмаса-да, у ердаги «югурдак»лардан бирига иссиқ қаҳва буюрди. Унинг хаёлини нариги маҳаллада яшовчи оғайниси Адҳамнинг ноўрин ҳазиллари бузди: «Кечаги тўйга эркакларни айтишувдию!» Сардор аста ўгирилиб қаради-да, ғижиниб қўйди.

Ошнаси қўлидаги аллақайси газетда босилган ҳаёсиз суратларни унга кўрсатиб ишшайди:

— Чет элда яшаш мазада, ҳеч кимнинг сен билан иши йўқ. Истаганингни қилаверасан, хоҳлаганча кайфу-сафо қилишинг мумкин. Биров сенга на насиҳат қилади, на ғийбат! Ҳақиқий эркин дунё! Нима дединг!

У елка қисди. «Бўлса бордир, қайдам...» Адҳам газетдаги кичик бир мақолани овоз чиқариб ўқишга тушиб кетди.

— Хўв, акаси, бўлди, йиғиштир газет-пазетингни! Ундан кўра, бор, ичкарини бир «разведка» қилиб кўр-чи бошни ёзадиган бирор нимаси бормикан, бу хезалакларнинг!

Адҳам ҳам худди шуни кутиб турган эканми, ичкарига ғизиллади. Икки ҳамшиша роса «отамлашишди». бояги бош оғриғидан асар ҳам қолмади. Кайфиятлари ҳам кўтарилди. Тушлик ҳам яқинлашиб қаҳвахона тушликка чиққан хўрандалар билан гавжум бўла бошлади, Сардорнинг диққатини бир қиз ўзига тортди. Тор юбка, қип-қизил кофта, бўйнида оппоқ, қимматбаҳо маржон. Ҳафсала билан бўялган қош-кўзлари ҳам жуда таниш эди. «Ким бўлдийкин бу офатижон? У билан қаердадир учрашганман, худо ҳаққи!..»

— Бунча тикиласан ўша нусхага, Сардор?

Адҳам қўлидаги сигарет қолдиғини йўлакка ташлаб, «чирт» этиб тупурди.

— Кечаги тўйда ярим яланғоч бўлволиб, жилпанглай-жилпанглай сен билан менга ўхшаганларнинг киссасини енгиллатиб қўйган суюқ оёқ ўйнчи шу-да, галварс, танимадингми? Ё уни бирорта онаси ўпмаган қизга адаштираяпсанми-а?

Тушлик тугаб, хўрандалар аста-секин тарқалиша бошлашди. Бояги ўйинчи бўлса, шошилмасдан чой ичаяпти, у кимнидир кутарди. Ҳа, шундай бўлиб чиқди. Зулукдек қоп-қора «09» қаҳвахона рўпарасига келиб тўхтади-да, ундан узун бўйли, тилла тишлари ўзига ярашган олифта бир йигит тушди. Қаҳвахона мудири унинг ҳузурига пешвоз чиқиб, қўш қўллаб сўрашди. Тавба, бу мудир деган артист-партист эмасми, нима бало? Ҳозиргина қаҳвахона ишчиларини бўралаб сўкаётган, оғзидан «боди» кириб «шоди» чиқаётган одам шуми ахир? Бир пасда бошқа одам бўлди-қолди. Хушмуомала, синиқ, сертакаллуф, озгина ҳокисор ҳатто. Нуқул тиржаяди. Иккала қўли кўксида. «Бойвачча» меҳмон ойимчасини имлади. Мудир бўлса, югурганча ичкарига кириб, қоғоз халтада нимадир олиб чиқди, уни машинанинг олдинги ўриндиғига авайлабгина жойлаштирди. Меҳмон мудирни бир четга тортиб, унга бир нималарнинг суратини томоша қилаётган шеригига бақирди:

— Адҳам тур, битта вино топиб кел! Менинг танимдан, пулини эртага оласан, яхшилаб кайф қиламиз-да, кейин сен найновни бир жойга олиб бораман. Нега бақраяпсан? Жаннатга борамиз, ошна, жаннатга, бил дингми! Тур, тезроқ топиб кегин!

Шаҳар чети. Кўп қаватли уйлар. (Қайсидир шоир уларни улкан гугурт қутиларга ўхшатувди) Сардор билан Адҳам бугунги тунни бирорта офатижон билан биргалашиб ўтказишга келишишган эди. Лекин қани ўшанақа «офатижон». Наҳотки текин маишат, ширинсўз ҳамсуҳбатлар қидираётган бирорга аёл учрамаса!

Соат ўн олтилар чамаси эди. Тили базўр айланишга келаётган Адҳам ўтган кетган қиз-жувонларга «қарғ моқ ташлаб» кўрди. Бирови қарғади, бошқаси парво қилмасдан ўтиб кетди, яна бошқаси дод солиб қўрқитмоқчи бўлди. Шу алфозда иккови ярим соатлар чамаси тентираб юришди.

Сардор жаҳли билан орқасига қайтди. Адҳам ҳам эргашди кетидан. Э-воҳ, ўша мавзедаги энг чекка уйнинг ҳовлисида тўпланишиб турган қизчалардан бирини Сардор аста имлаб чақирди. Ўн-ўн бир ёшлар чамасидаги қизалоқ нотаниш амакининг олдига келди.

— Менга Лена опангни чақириб беролмайсанми, қизча? — деди Сардор унга ялинган бўлиб.

Қизча бу ҳовлида унақа қиз яшамаслигини айтди. Сардор бўлса, «йўқ», Лена шу ҳовлида туради, ҳув анаву уйда» деб турибоқ олди. Содда қизалоқ ранжитгиси келмади ва у кўрсатган томонга юрди. Сардор Ирани темир гаражлар оралаб юришга ундади ва пайт пойлаб туриб, унинг сочларига ёпишди. Қўрқиб кетган қизча дод солиб йиғлаб юборди. Кўзлари мастликдан сузилган ва қутирган бўридек ҳарсиллаётган Сардор унинг бошини икки-уч марта темир деворга урди. Адҳам «соқчилик» қилиб турди. Қизчани шу яқин атрофдаги эгасиз ташландиқ уйга олиб киришди. Ҳувиллаб ётган хонада ўзига келган қизалоқ нималар бўлаётганини англаб етмас, «нотаниш амакилар» эса зўр бериб синдириб ташланган эшикни маҳкамлаш билан овора эдилар.

Сардор шеригини вино олиб келишга юборди. Кейин телбаларча ҳаракат билан қизчани қулочкашлаб юборди. Ташландиқ кўрпа устига бемажол йиқилган Иранинг эгнидаги кийимлар Сардорнинг бақувват қўлларида бир сиқим латта-путтага айланди.

Қаерлардандир бир шиша вино топиб келган Адҳам беҳуш ётган Ира ва ҳансираётган Сардорга кўзи тушиб, эсанкираб қолди.

— Энди нима бўлади, Сардор?

Сардор индамади, винони шишаси билан кўтариб, чанқоғини босди. Қуйиб, шеригига узатди. Ҳушига келган Ира ўрнидан туришга уриниб кўрди. Аммо, Сардорнинг ҳамласи бунга йўл қўймади. Икки ҳамтовоқ қизчанинг оғзига бадбўй винодан қуйишди. Ира ўқчиган сари уларнинг кулгиси нинг эти увишди.

Сардор иккинчи қизчанинг ҳам номусини булғаб бўлганидан кейин хонага Адҳам кириб келди.

— Нега ангираяпсан, қуймайсанми «оби замзам»ингни — амирона буюрди остонада турган шеригига.

Адҳам ҳолсизгина инграб ётган қизчага термулганича шивирлади:

— Бўлди, мен энди ичолмайман! Хоҳласанг, ўзинг қуйиб ичавер.

Сардор Адҳамни ношудликда айблади, аллақандай тушунарсиз сўзлар билан ҳақорат қилди. Кейин стаканга винодан тўлдириб қўйди-да:

— Манову жайронни ҳам бир кўр-чи! — деди бепарво оҳангда.

Шу куни алламаҳалгача ташландиқ уйда икки нораснинг аччиқ йиғиси, ялиниб-ёлвориши тинмади.

Ақл бовар қилмас тарзда наҳсга ботган кимсасиз уй дарчасидан кузнинг хира осмони ва унинг бир четида қуйиб бораётган Ой кўзга ташланар, қаердандир темир-терсакларнинг дарангдаган овози ва таҳликага тушган одамларни дод-фарёди элас-элас эшитилаётган эди...

Яқинда Фарғона вилояти судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати юқоридаги «иш»ни кўриб чиқди. Жабрдийдалар, аламзадалар, ушбу фожеани билган ва эшитган одамлар ҳар иккала йигитни, инсонлик қиёфасини йўқотган шаҳватпарастларни лаънатлашди. Бироқ, бизнинг Қонунларимиз ўзбекона ғурурдан ҳам, табиатимизга хос қаттиққўлликдан ҳам устунроқ экан. Суд ҳайъати Сардорни ўн беш йил, Адҳамни ўн тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди...

Вилоят судининг аъзоси, ўша машъум «иш»ни ниҳоялаган ҳакам Каримжон ака Толипов фикримизни эшитиб, эътироз билдирди:

— Қўйинг, бу суд мажлиси ҳақида ёзманг! Ахир бу ҳаммамиз учун уят-ку!

Уятмикан? Нега биз уялишимиз керак экан? Улар уялишмаяпти-ю! Йўқ, яшириш уят! Яхшиси, қолганлар ҳам худди сизу биз каби улардан нафратланишсин! Эҳтимол шундагина бахтиқароликларнинг пайи қирқилар... Сиз нима дейсиз, замондош?...

Эрдавлат ОДИЛОВ,
Вилоят адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси.
Рустам БОЙ МУҲАММАД,
«Туркистон» махсус мухбири.

«ГАЗНИ МАҚТАБ... БУТА ЕҚАМИЗ»

Бу йилги қиш анча «қуруқ» келди. Ҳали табиий газ етиб бормаган қишлоқларнинг аҳолиси ёз бўйи йиққан ўтин-кўмирлари билан эсон-омон баҳорга чиқиб олиш умиди билан яшаяпти. Лекин ҳалқда «Ёз — ёпинчиғингни қўйма, қиш ўзинг биласан» деган гап бор. Қаҳратоннинг бир куни ҳам қаҳратонда.

Бувайда туманидаги 40-ўрта мактаб биноси ҳам газлаштирилмаган. Мактаб маъмурияти синф хоналарининг иситишни антиқа усулини ўйлаб топди. Улар Марказий Фарғона чўлларидан юлғун ўсимлиги поясини ўриб мактабга келтиришди. Чўлнийг бу бутаси ҳўл бўлса-да жуда яхши ва узоқ ёнади. Муаллимларнинг ана шу «ихтироси» ўқув жараёнининг бир маромда кетишини таъминлаяпти.

Газета саҳифаланаётганда:

ҲАММА КАЛИШ КИЯДИМИ?

Сурхондарёда маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилинмоқда. Бироқ, вилоятда аҳоли талаб ва таклифлари пухта ўрганилмасдан қурилаётган корхоналар ҳам талайгина. Масалан, уч жойда — Шўрчи туманида йилига 5 миллион жуфт, Ангорда 250 минг жуфт, Узун туманида эса 1,5 миллион жуфт калиш ишлаб чиқарадиган корхона қуришга тайёргарлик кўриляпти.

Бир ярим миллион аҳолиси бўлган вилоятда йилига 7 миллион жуфтдан зиёд калиш тайёрлаш шартмикан? Тўғри, ҳозир бозорда калишга талаб катта. Нархи осмонда бўлса-да, сотувда йўқ. Мазкур корхоналар ишга тушгач, калишларни четга чиқариб сотишга ҳам тўғри келади. Республикамизнинг бошқа вилоятларида турдош корхоналар борлигини ҳисобга олсак, бу маҳсулотга талаб пасайиши эҳтимолдан холи эмас.

Вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси мутахассислари нега жим туришибди? Ёки ишбилармонлар кейинги пайтларда бу бошқарма билан ҳисоблашмай қўйдимикан?

Ч. ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

Келгуси сонда:

● КАПИТАННИНГ ҚАЙТИШИ

● ТЕСТ САВОЛЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ *ва* "ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:

хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Чоп этиш вақти соат 20.30 га белгиланган. Чоп этиш учун 20.00 да имзо чекилди. Буюртма Г—75. 1 2 3 4 5 6